

# Oila va jamiyat

@oilavajamiyatgazeti\_bot



## MA'NAVIYATNI ZAHARLAYDIGAN MULTIFILMLAR

tanaga ziyon yetkazadigan fast-fudga o'xshaydi

«Усти ялтироқ ичи қалтироқ», қабилда. Бу каби мультфильмлар кўпчилик севиб ейдиган фаст-фудга ўхшайди. Фаст-фуд ҳам жуда мазали аммо соғлиққа зиёни бор. Фақат фарқи, фаст-фуд танани хасталикка олиб келса, бу мультфильмлар маънавий-ахлоқий хасталикка олиб келайди.»



12

QUTLIBEKA RAHIMBOYEVA:

### "TAQDIR YO'LLARIM — QO'G'OZLAR BILAN TUTASH"

Мустиқлиги мизнинг 29 йиллиги муносабати билан Президентимиз фан, таълим, адабиёт, маданият, санъат ва оммавий ахборот воситалари соҳалари ходимларидан бир гуруҳини мукофотлаш тўғрисида фармон имзолади. Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси аъзоси, шоира Қутлибека Раҳимбоева ҳам "Меҳнат шўхрати" ордени билан мукофотланди. Жамоамиз номидан опани ушбу юксак мукофот билан табриклар, унинг дил дафтари билан варақлаш мақсадида суҳбатга чорладик. »7



### Yurt bayrog'ini baland tutganlar

Ўзбекистон ёшлари кўплаб халқаро танловлар, спорт мусобақалари, фан олимпиадаларида фахрли ўринларни эгаллаб, юртимиз куч-қудратини, интеллектуал салоҳиятини бутун дунёга намойиш этмоқда. Яқинда масофавий тарзда ўтказилган IBO2020 Challenge – Халқаро биология олимпиадасида Ўзбекистон терма жамоаси аъзоси Тошкент педиатрия институти қошидаги академик лицей ўқувчиси Саида Валижонова мамлакат тарихида илк бор биология йўналишида олтин медални қўлга киритди. ●6



Бир хил маълумотни ҳар йили қайта-қайта ўқитишдан мақсад не? Баъзи дарслик китобларини варақлаб ўйланиб қоламиз. Наҳотки хато берилган бўлса?! Ўқитувчимдан сўрайман: «Ҳа, бу ерда хато кетган...», дейди устозим. Биз эса яна қайта-қайта сўраймиз: «Устоз, китобда хато берилмайдими-ку?..»

Бугунги адабиёт дарсликларимиз қай аҳволда? Улар бизнинг талабимизга жавоб бера оладими? Ўқувчи сифатида ўзимнинг айрим фикрларимни билдирмоқчиман. Бошланғич синфни битириб, адабиёт дарс-

### Adabiyot darsligidagi takrorlar

лигини биринчи бор варақлагандан 11-синф якунига қадар Алишер Навоий ва Заҳириддин Муҳаммад Бобур ҳаёти ва ижодини ўрганамиз. Нега ҳар йили бу мавзулар дарсликка киритилади? Тўғри, бу икки шахс миллатимиз фахри, ғуруримиз, лекин бу инсонларнинг қачон туғилиб, қачон вафот этгани, беш-ўнта машҳур ғазалини қайта-қайта ўқитиш қанчалик мантиққа тўғри келади? ●3



# “ZULFIYA”CHILAR BILAN ONLAYN MULOQOT



Юртимизда хотин-қизларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллигини ошириш, уларни турли соҳаларда имкониятларини рўёбга чиқариши учун барча шароитлар яратилиб, муносиб рағбатлантирилмоқда.

Бугунги кунда аъло хулқи, ноёб истеъдоди, зукколиги, ташаббускорлиги, ўқиш ва меҳнат фаолиятидаги муваффақиятлари ҳамда таълим, фан, адабиёт, санъат, спорт соҳаларида ва жамоатчилик фаолиятида алоҳида ютуқлари учун Зулфия номидаги Давлат мукофоти билан тақдирланган

хотин-қизлар сони 339 нафарни ташкил этмоқда.

Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш вазирлиги Хотин-қизларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллигини ошириш бошқармаси томонидан жорий йилнинг Зулфия номидаги Давлат мукофоти совриндорлари иштирокида

“Ислохотлар ва юрт тараққиётига менинг ҳиссам” мавзусида республика конференцияси онлайн тарзда ташкил этилди.

Видеоконференцияда Зулфия номидаги Давлат мукофоти совриндорларининг бугунги кундаги ютуқлари ва уларнинг ижобий иш фаолиятини омалаштириш, жамият ҳаётида янада фаол иштирок этишга жалб қилиш, амалга оширилаётган кенг кўламли ислохотларда хотин-қизларнинг ўрни, уларни қўллаб-қувватлашга доир давлат сиёсатининг самарали ижросини таъминлаш, хотин-қизларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллигини ошириш каби масалалар юзасидан фикр алмашилди.

Мазкур йўналишни янада такомиллаштиришга оид хулосалар, таклиф ҳамда тавсиялар айтиб ўтилди.

Конференцияда Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш вазирининг биринчи ўринбосари Гулнора Маъруфова, вазирлик бошқармаларининг раҳбар ва ходимлари, Қорақалпоғистон Республикаси Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш вазирининг биринчи ўринбосари, вилоятлар ва Тошкент шаҳар Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш

бошқармалари бошлиқларининг биринчи ўринбосарлари, хотин-қизларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллигини ошириш бўлимлари бошлиқлари, Зулфия номидаги Давлат мукофоти совриндорлари иштирок этдилар.

Конференция иштирокчилари тadbир якунида конференция юқори савияда ташкил этилганини таъкидлаб, келгусида юртимизни ҳар томонлама ривожлантиришга ўз ҳиссаларини қўшишни таъкидлашди.




## MUTAXASSISLAR MALAKASI OSHIRILDI



Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш вазирлиги томонидан ходимларнинг малакасини ошириш, уларнинг замон талабларига мос равишда фаолият юритиши учун барча шароитлар яратилляпти.

Шу мақсадда, вазирлик томонидан USAIDнинг Ўзбекистондаги ваколатхонаси билан ҳамкорликда Хуқуқий ислохотлар дастури (LRP) доирасида вазирлик марказий аппаратидаги ходимларнинг малакасини ошириш тизимини такомиллаштириш, мутахассисларнинг сиёсий-хуқуқий, маънавий-ахлоқий, касбий билим ва компетенцияларини шакллантириш масалалари бўйича семинар-тренинг ташкил қилинди.

Вазирлик марказий аппарати ходимлари иштирок этган тadbир



доирасида иштирокчилар менежмент асослари, бошқарувда сиёсий-хуқуқий, маънавий-ахлоқий билимларнинг ўрни, раҳбарнинг профессионал компетенциялари, нутқ маданияти ва нотиклик маҳорати, тайм-менежмент, HR-менежмент, ташкилот имижини яратишнинг самарали услублари, гендер тенглиги кафолатларининг хуқуқий асослари, Ўзбекистон Республикаси “Хотин-қизларни тазйиқ ва зўравонликдан ҳимоя қилиш тўғрисида”ги Қонунининг мазмун-моҳияти, медиациянинг ўрни бўйича билимларга эга бўлдилар.

Интерактив машқлар ва амалий машғулотлар орқали ўтган тренингларда қатнашчилар билим ва кўникмаларини янада оширганликлари ҳамда орттирилган билимлар келгусида ҳар бир ходимнинг фаолиятида бевосита асқотишини таъкидлаб ўтишди. Тadbир иштирокчилари томонидан бу каби тренингларни доимий равишда ўтказиб бориш таклифи билдирилди.

Тadbир якунида барча иштирокчиларга сертификатлар топширилиб, бундай тренингларни вазирликнинг барча худудий бошқармаларида ҳам ўтказиш келишиб олинди.

Янгийўл туманида туман ҳокимлиги, Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш, Аҳоли бандлигига кўмаклашиш маркази ва Ёшлар ишлари агентлигининг туман бўлимлари ҳамкорлигида Гулистон маҳалласидаги “Баркамол авлод” биноси ҳовлисида “Бўш иш ўринлари меҳнат ярмаркаси” ўтказилди.

## МЕҲНАТ YARMARKASI



Меҳнат ярмаркасида Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш вазирининг ўринбосари Ботир Парпиев ташриф буюрди. Ташриф чоғида Ботир Парпиев ва 4 та сектор раҳбарлари иштирокида фуқаролар билан сайёр қабул ўтказилди.

Мазкур ярмаркада туманда фаолият юритаётган йирик иш ўринларига эга бўлган 38 та корхона ва ташкилотлар бўш иш ўринлари билан иштирок этишди.

Ушбу меҳнат ярмаркасида туманда истиқомат қилаётган 125 нафар фуқаролар қатнашди. Шундан 38 нафар фуқаролар доимий ишга жойлаштирилган бўлса, 18 нафар фуқаролар “Тиллақош” ҳамда “Шоирабегим” ўқув марказларига ўқиш учун йўланмаларни олишди.

Саҳифани Бектош ИСМОИЛОВ тайёрлади.





# Adabiyot darsligidagi takrorlar

«Бемор» ҳикояси орқали биз билан ўтказган бадиий мулоқоти ўзининг

Бир хил маълумотни ҳар йили қайта-қайта ўқитишдан мақсад не? Баъзи дарслик китобларимиз варақлаб ўйланиб қоламан. Наҳотки хато берилган бўлса?! Ўқувчимдан сўрайман: «Ҳа, бу ерда хато кетган...», дейди устозим. Биз эса яна қайта-қайта сўраймиз: «Устоз, китобда хато берилмайдими?..»

ган. Менимча адабиёт нима эканини англаш сари илк бор қадам қўйган ўқувчи учун бундай илмий шаклдаги кириш сўзи ўқувчини шу фандан бездиришга хизмат қилади, холос.

5-синф «Адабиёт» дарслигига киритилган ёзувчи ёки шоир ижоди 6-синфда давом эттириладиган бўлса, аввалги синфда тақдим этилган маълумотлардан кескин фарқ қилиши ёки янги маълумотлар билан тўлдирилиши лозим. Афсуски 6-синф дарслигидаги айрим ижодкорларнинг таржимаи ҳоли шунчаки кўчириб қўя қолинган. Масалан: 5-синф «Адабиёт» дарслигида Ўткир Ҳошимовнинг таржимаи ҳолидан: «Ўткир Ҳошимов 1941 йилда Тошкентнинг Дўмбиробод маҳалласида туғилган. Ёшлигидан илмга, адабиётга, санъатга қизиққан бўлажак ёзувчи 5-синфда ўқиб юрган вақтидаёқ, демак, сиз тенги ёшларида шеър машқ қила бошлаган эди. Ҳозирда адабнинг «Урушинг сўнги қурбони», «Муҳаббат» каби кўплаб ҳикоялари, «Нур борки, соя бор», «Икки эшик ораси», «Тушда кечган умрлар» номли романлари, «Одамлар нима деркин», «Шамоллар эсаверади», «Икки қарра икки – беш», «Баҳор қайтмайди», «Дунёнинг ишлари» номли қиссалари мамлакатимизда ва чет элларда севиб ўқилмоқда...» (6-синф «Адабиёт» дарслиги, 51-бет). Энди 6-синф «Адабиёт» дарслигида келтирилган Ўткир Ҳошимовнинг таржимаи ҳолига қараймиз: Ўткир Ҳошимов 1941 йил 5 августда Тошкентнинг Дўмбиробод маҳалласида туғилган. Ўқувчилик чоғларидаёқ ижод билан

шуғулланган. Адибнинг «Урушинг сўнги қурбони», «Муҳаббат» каби кўплаб ҳикоялари, «Одамлар нима деркин?», «Шамоллар эсаверади», «Икки қарра икки – беш», «Баҳор қайтмайди», «Дунёнинг ишлари» қиссалари, «Нур борки, соя бор», «Икки эшик ораси», «Тушда кечган умрлар» номли романлари мамлакатимизда ва чет элларда севиб ўқилмоқда...» (6-синф «Адабиёт» дарслиги, 147-бет).

Кўриб турибди, фақат «5 август» санаси кўшилган холос. Нима, сеvimли ёзувчимиз таржимаи ҳоли шу қисқагина маълумотдан иборатми? Худди шу ҳолатни Эркин Воҳидов ҳаёти ва ижодига оид материаллар мисолида ҳам кўриш мумкин: «Эркин Воҳидов университетни тугатгач, узоқ йиллар наشريётларда ишлади, ўзбек ва жаҳон адабиётининг сара асарларини чоп қилишда фаол иштирок этди. 1964 йилда яратилган «Нидо» дostonидан сўнг бирин-кетин «Орзу чашмаси», «Палаткада ёзилган дoston», «Кўёш маскани», «Рухлар исёни» каби ажойиб дostonлар ёзди...» (6-синф, 133-135 бетлар). Бир саҳифадан ортиқроқ ҳажмдаги ушбу маълумотлар ҳам 5-синф дарслигининг 142-саҳифасида айнан келтирилган. Бу эътиборсизликми ёки дарслик муаллифларининг дангасалиги? «Бемор» ҳикоясидан сўнг назарий маълумот сифатида берилган «Бадиий асар тили ҳақида тушунча» мавзуси, тўғриси, биз учун жуда мураккаб килади. Мана шу назарий маълумотни муаллифлар оддий, содда тилда ёзишганида яхши бўлар эди. Агар назарий маълумотларни тушунтириб бериша олишганда, майли, қолган хатоларга кўз юмиш ҳам мумкин эди. Аммо муаллифлар бир ярим саҳифалик назарий маълумотда «Абдулла Қаҳҳор ўзининг муъжазига

таъсир кучини юз йиллар давомида сақлаб қолиши бадиий тил нақадар қудратли ҳодиса эканининг яққол исботидир», – деб ёзади. Мен ҳозир 10-синф ўқувчиси бўлсам-да, ҳали-ҳануз шу мавзуга тушунмайман. Адибларнинг туғилган ва вафот этган йилларидаги хатоларни айтмасам ҳам бўлар, бу ҳақда матбуотда ҳам кўп ёзилди. Адабиёт дарслигида бир ойда бир марта мустақил ўқилган асарлар юзасидан савол-топшириқлар бўлади. Айнан уша кунни синфдошларим билан бирга бир ой кутамиз. Уша кун келганда, халқ таълими вазирлиги тақдим этган режага кўра назорат иши олинади. Хурматли вазирлик мутасаддилари, сизларга ўқувчининг фикри қизиқ эмасми? Биз бир асарни ўқиб тугатиб, бир ойда бир ўқиган китобимиз ҳақида шахсий фикрларимизни билдирамиз. Энди марҳамат қилиб айтсангиз, сизларга китобнинг орасига телефонни қўйиб, «гулжон»дан назорат ишини кўчирган яхшими ёки очик майдонда (доскада) синфдошларига ўзи ўқиб келган асарни, озгаки тушунтириб, жонли мулоқот қилгани? Баъзида адабиёт дарси ўзи қандай мақсадда ўтилиши биров мавҳумроқмикан, деб ўйлаб қоламан. Чунки вазият тақозоси билан мактабда бугун қайси дарсни қисқартириб туриши, қайси дарснинг ўрнига бошқа бирор тадбир ўтқиши керак бўлса фақат «Адабиёт» дарсидан воз кечи турилади. Нега? Адабиётимизга, миллиятимизга бўлган ҳурмат наҳотки шундай бўлса?! Эртага юрт келагани ишониб топширилаётган ёшларни тарбияловчи восита – дарсликни хатолар билан чоп этиш, ўқувчиларни чалғитиш ўзимиз ўтирган дархатнинг шохини кесиш билан баробар эмасми?

Азизбек АБДУМАЛИКОВ.

## IQTIDORNI ISHONCH YUZAGA CHIQARADI

Касбимиз шу. Турли одамлар билан учрашамиз. Айниқса ҳаётда катта ютуқларга эришган ноб иқтидор эгалари ҳаммаша тележурналистларнинг диққат марказида. Касбдошларимиз билан замон қаҳрамонларини излаб юрамиз.

Хуллас, бир сафар оилавий мусика ансамбли тузган хонадонга бордик. Тўрт фарзандини мусикачи қилиб вояга етказган ота-онанинг иштиёқига қойил. Болаларига ҳамма шароитни яратиб беришган. Ансамбль аъзолари ҳам бири-бирдан истеъдодли. Бош муҳаррир топшириғи билан мен телерадио муаллифи сифатида ўзгачароқ ёндашув қилишим, гуруҳ аъзолари каби қўлимда чолғу билан экранда намоён бўлишим керак. Стендапга тайёргарликда болаларнинг отаси бу чиқишга эътироз билдирди. Мусика асбобини бир-икки тингиллатиб турган журналист билан халқаро танловлар голибини тенглаштириб бўлмаслигини имкон қадар тушунтиришга уринди. Дарҳақиқат, бу манзара томошабинни алдаш билан баробар эди. Мусиқий иқтидори бўлмаган

журналист айна манзарада, энг аввало, ўзига ишонмайди ва ўзгани ҳам ишонтиролмади.

Психологияда шахс тушунчасини ўрганишда индивид атамаси ҳам қўлланилади. Фақат шу индивидгагина тегишли хусусиятлар индивидуаллик дейиларди, адашмасам. Бу ўзига хослик масаласи мени ўйлантириб қўйди. Ҳар соҳанинг ўзига хослиги бор. Мусикачи бошқалар тушунмайдиган қўйларни фарқлай олади, таҳлил қила билади. Рассом суратларни, режиссёр тасвири ва ҳоказо. Аммо минг билим-дони бўлину уни намоёйш қила олмасангиз, ўрганганларингизни амалда қўлласангиз, билимни «занглатиб», яроқсизга чикарасиз. Бу борада мен кўпроқ яхудийларга ҳавас қиламан. Агар яхудий миллиятига мансуб бирор танишингиз бўлса, эслаб кўринг, уни бошича таърифлайсиз. Кўрсаткич бармоғимизни тепага кўтариб «ақлли» деб кўямиз гоҳида. Гап уларнинг билимида, ёки ақлида эмас, балки ўзига бўлган ишончида. Бу фикримни ҳам ҳаётий мисол билан исботлайман.

Бир танишим яхудийлар яшайдиган маҳаллада катта бўлган. У болалиги ҳақида галирганда яхудий дўстини кўп хотирлайди. Бурни қарганикни эслаб юборадиган уша дўстини ота-онаси «куёшим» деб чақирар экан. Маҳалла болалари унга «қарга» деб лақаб қўйишганда, у ишонч билан «мен ота-онанинг куёшиман» деб жавоб қайтарган. Агар кишига оиласи катта ишонч билдирса, кўчадагиларнинг ҳеч қандай танқидлари, таъна-дашномлари руҳини синдира олмайди.

Айрим оилаларда фарзандининг шахсий фикри, оилада бўлаётган воқеаларга бўлган муносабати билан ота-оналар қизиқиб кўришмаслигига гувоҳ бўламиз. Боланинг назарида ота-она нотўғри иш қилаётган бўлсаю, буни юрак ютиб очик-ойдин баён қилса, «катталарнинг ишига аралашма», «отанга қарши борма» каби дашномни эшитади. Балки унинг сўзлари ҳақиқатан ҳам хатодир. Аммо бу ҳолатни кичкинтойга ўзига бўлган ишончини синдирмаган ҳолда тушунтиришнинг имкони бор ҳамиша.

Бугун бутун дунё шахсий фикрларни қадрлаётган замонда, мустақил фикрига эга ёшларга бўлган эҳтиёж тобора ортаётган бир пайтда келажакка муте, ювош, ишончсиз ёшлар эмас, билими билан баробар ўзига бўлган ишончи, шижоати кўп, мустаҳкам иродали ақллилар керак. Бунинг учун эса фарзандларимизни болаликдан оқ бошқалардан ажралаб турадиган ўзига хослигини, иқтидорини пайқашимиз, уларни йўналтиришимиз кифоя. Устозлардан бири айтганидек, одам ўзлигини топиши, шахсий фикрга эга бўлиб уни айта олгани учун ҳам туяқорин ўсимлигидан фарқланади. Маълумки, туяқорин чўлда кезиб юрадиган, макони йўқ, юмалоқ янтоққа ўхшаш ўсимлик. Яъни ёшларда мустақил фикрга эга бўлмаслик худди шундай беқарорликни келтириб чиқаради.

Биз таширф буюрган хонадон соҳиблари ҳам айна шу ҳақиқатни англаб етганлардан. Шунинг учун ҳам, деворлари тўрт фарзанднинг юздан зиёд диплом ва фахрий ёрликлари билан тўлган. Болаларнинг бошқаларга ўхшамаган, ўзига хослиги бутун дунё мусиқачиларини ҳайратлантиряпти.

Садоқат САМАНДАРОВА,  
журналист.



**Муштумзўрлик осонми ёки қийин? Уни ким-лар амалга оширади? Қонуний чоралар ва жазо бу муаммога ечим бўла оладими?**

Бугунги жамиятимизда хунук бир иллат сифатида бўй чўзаётган муштумзўрлик, майда безорилик, интернетда "юлдуз" бўлиш учун турли номақбул ҳаракатлар билан ўзлигини унутаётган ёшларимизнинг ҳар қандай хунрзликдан қайтмаётганига барчамиз гувоҳ бўляпмиз. Бир савол туғилади. Ҳўш, бундай муштумзўрлик фақат "юлдуз" бўлиш учунми ёки бошқа сабаблар бу зўравонлик илдизини янада томир ёйишига олиб келаяптими? Масалага оидлик киритиш учун ҳозирда авж олган муштумзўрликнинг мутасадди раҳбарлар орасида ҳам кўпайиб бораётганини айтиб ўтиш жоиз. Ёхуд аёллар мавзусида ҳам уларнинг ҳақ-хуқуқлари топалаётгани, жинсий зўравонлик қурбонига айланаётгани муаммони нақадар долзарблигини кўрсатади.

Ижтимоий тармоқлар оралаб турли ахборотларни қабул қилар эканмиз, улар орасидаги аксарият хабарлар қисман шундай сарлавҳалар остида берилади: "Муштумзўрлик қурбони бўлган аёл", "Бухородаги муштумзўрлик пичоқбозлик билан туғайди", "Муштумзўр ўқитувчи жазоланди", каби.

Юқорида келтириб ўтилган зўравонликнинг турлари ҳақида навбат-ма-навбат суҳбатлашамиз. Демак биринчи масала бу оиладаги зўравонликнинг илдизини қаердан топиш мумкин? Бизнинг ўзбекона одатларимизда оилада эркак кишининг устунлиги, у ҳақ ёки ноҳақ бўлишидан қатъий назар, аёл киши эрининг олдида бир поғона пастлаши, сўкса ҳам, тан жароҳати етказса ҳам жим туриши сабр ва иродали аёлнинг бурчлариға киреди, деган нотўғри тушуна онг остида ётади. Аммо шундай бўлаверса, оиланинг ярми, кейинги соғлом авлодни дунёга келтирувчи ҳамда фарзанд тарбиясига масъул бўлган аёл, она тушунчаси қаерда қолади? Бир неча бор Ўзбекистон хотин-қизлар кўмитаси фаолиятини кузатиш баробарида ҳал қилинаётган муаммолар билан биргаликда ечимини тополмаётган воқеаларга ҳам гувоҳ бўлдим. Оиладаги зўравонлик қурбони кўп ҳолатларда аёллар ва болалар ҳисобланади. Биргина мисол. Қизлар вояга етган, ота уйларини тарк этиб, янги хонадон, янги шароит ва турли фельд-атвордаги одамлар даврасига тушади. Ваҳоланки, келинлик мажбуриятлари, вазифаларини бажаришда

камчиликлар ва хатоликларга йўл қўяди. Шу фурсатдан бошлаб, қайнона ва ўғил ўз "хўжайин"ликларини кўрсатиш учун босим ўткази бошлайди. Рухий эзилиш, зўравонлик қурбони бўлаётган келин ҳақ-хуқуқини талаб қилишга журъати етадими? Албатта йўқ, деган жавобга ўрганиб қолганмиз. Жабдийдаларнинг ноласини аввало, маҳалла тинглайди ва мурося қилиш, оилани сақлаб қолиш ва сабрдан маъруза қилиши, яна ўша хонадонга қайтишга мажбур қилишади. Бахтга қарши, маҳаллага арз қилган келинни оила сирини кўчага олиб чиққан чакимчиға чиқаришади. Тўғридан-тўғри судга ёки милиция ҳодимларига хабар беришни эса фожеа деб билишади. Шу ўринда эр-хотин ўртасидаги никоҳ шартномаси тузилгани каби, эркакнинг қариндошлари келинни руҳий, жисмоний камситилишига йўл қўймайдиган қонун лойиҳалари ишлаб чиқилса мақсадга мувофиқ бўлар эди. Бундан ташқари, оилавий шифокор бўлгани каби шахсий оила психолог ҳам бўлиши, бепул тренингларида зўравонликни олдини олишга қаратилган ҳаракатларни тарғиб қилиши лозим. Бир йил олдин Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг биринчи ялпи мажлисида Сенат "Хотин-қизларни таълим ва зўравонликдан ҳимоя қилиш тўғрисида"ги қонунни қабул қилган эди. Мазкур қонун 35 моддадан иборат бўлиб, жинсий зўравонлик, жисмоний зўравонлик, иқтисодий зўравонлик, иш жойи, руҳий зўравонлик,

## MUSHTUMZO'RG'A MUSHT TEKINMI?

таъйиқ ва зўравонликдан ҳимоя қилиш, олдини олиш, ҳимоя ордери каби тушунчаларга урғу берилган эди. Баъзи ҳолатларда қонун лойиҳаси тегишли тартибда ишламаётганга ўхшаб кўринади. Чунки Бирлашган Миллатлар Ташкilotи қошидаги инсон ҳуқуқлари кўмитасига йиллик топширилган ҳисоботларида Ўзбекистондаги аёллар ва эркаклар ўртасидаги нотенглик ачинарли даражада фарқ қилишини айтиб ўтишган. Ижтимоий сўровномалар ўтказилганда аксарият эркаклар оиласининг тинч эканлиги ҳақида ёзиб қолдирган, деярли 82 фоиз оила бошлиқлари ўз рафиқаларини фикрини эшитмас экан. Статистик маълумотларга кўра, жорий йилнинг биринчи ярмида таъйиқга учраган 709 та аёлга ҳимоя ордери тақдим қилинган. Шундан 639 таси оила-турмуш доирасидаги зўравонликдан ҳимояланиш учун берилган. Чорасиз ва ҳимоясиз қолаётган аёлларда эса ўз жонига қасд қилиш ҳолатлари кўпайиб бормоқда.

Иккинчи масала бу – интернетни "портлатаётган" зўравонликлардир. Кичик дақиқалик видеоролик тайёрлаб, ижтимоий тармоқларга жойланаётган лавҳаларда онасини урган қиз, хотинига памперс(таглик) едирган эркак, ақли заиф болани ҳақоратлаб калтаклаган ўсимирларнинг инсон боласига ёт бўлган хатти-ҳаракатлар билан омма олдида намоён бўлаётгани нечоғлик виждон қатларини титратмоқда. Наҳотки ўзимизни шу қадар унутиб қўйдик? Инсон кадр-қиммати олдида ҳеч нарсага арзи-майдиган "лайк"лар учун номусни, орни юзимиздан, қалбимиздан сидириб ташладикми? Яқинда турли хил муҳокамаларга сабаб бўлган Намангандаги спортчи қиз калтаклаган эркаклар воқеасини олайлик. Балки бу мавзу ҳақида алоҳида шарҳ ёки таҳлилий мақола ёзган дурустдир. Аммо муаммонинг бошқа томонига эътибор қаратишгини сўраган бўлар эдик. Бу қиз спортчи бўлгани учун, давлатларда ватанимиз шарафини муносиб таразда ҳимоя қилгани, озгина бўлса ҳам ҳақ-хуқуқини билгани учун ўзини ҳимоя қилиш баробарида "зўравон қиз" номини олгандир. Энди фарз қилинг, қанчадан қанча аёлларимиз, қизларимиз соддалиги, ўз ҳуқуқ ва бурчларини бил-

маслиги оқибатида жинсий зўравонлик, алдов, жисмоний ва руҳий қарама – қаршилиқларга дуч келмаяпти деб, ким кафолат бера олади?! Афсуски, турли Telegram каналлари ҳамда Facebook ижтимоий тармоқларида айланаётган видеолардан таъсири ўлароқ, ижтимоий ҳаётимизда вазият ёмонлашса ёмонлашяптики, ҳеч ўнганмаяпти. Ҳақиқатни тан олиш ва жамиятдаги муаммони кўтариб чиқиш ёмонлаш ёки фақат танқиддан иборат жумлалар билан масалани ечишга сабаб бўлолмайди. Биргина бекорчи шахс ўз ноодатий ва чала фикрлари билан бутун бошли миллатни бошқариши қайси қонунга тўғри келади? Жамоатчилик орасида "пиар" тушунчаси нотўғри талқин қилиниши натижасида, ўзаро жанжаллар, шахсий ёзишмалар, муштлашувлар зўравонликларнинг видеоасмада муҳрланиб, оммага тақдим этилаётган айнан шу масалаларда жамоат тартибини сақлашга масъул шахсларни огоҳ этмаётганига қандай қараш мумкин?! Албатта, ўз маҳалласидаги бирор оилада муштумзўрлик оқибатида жиноят содир бўлиши, қайсидир аёл ўз жонига қасд қилиши, болаларнинг бирор тасдиқ ногирон бўлиши каби "бахтсиз ҳодисалар" уйғотадими мутасаддиларни?! Баъзида шундай ҳолатларга ҳам гувоҳ бўламизки, пора бериб, "сотиб" олинаётган масъуллар кўз ўнгида рўй бераётган ваҳшийликлар, зўравонликларга ҳам кўз юмишади. Балки қайсидир маънода инсоннинг қадрини белгилаб берадиган воқеликларнинг интернет тармоғида сузгани ҳам яхшидир. Чунки кўпгина муаммолар айнан "интернетда тарқаб кетган" видеолар омма олдида муҳокамаларга сабаб бўлгандан кейингина ўз ечимини тоپаяпти.

Фикрларимиз якуни сифатида шунга айтиш жоизки, жамиятдаги муштумзўрлик, зўравонлик ҳамда безорилик иллатларини тамоман йўқ қилиш учун кескин чоралар, қонун лойиҳалари, жинсий жавобгарлик, жарима кўллаш каби услубларни кенг жамоатчиликка тарғиб этиш, нафақат жамият учун, балки миллат, инсоният ҳамда аёл, она, сингли ва қизлар учун ҳам ишончли ҳимоя бўла олади.

Чўлпоной АҲМЕДОВА,  
журналист.

## ОЗОН ҚАТЛАМИ YEMIRILYAPТИМИ?

Мақтабда ўқиб юрган вақтларимизда, атрофимиздаги олам, география фанларида устозларимизнинг "Озон қатлами емирилиб борапти" деган сўзларини бот-бот такрорлагани ҳеч ёдимдан қикмайди. Ҳатто биология фанидан ўқитувчимиз кислороднинг ҳавога қандай ажралишию, карбонат ангидриднинг нафақат табиатда балки инсониятга зарари ҳусусида билдирган фикрлари ҳалигача шууримдан кетмайди. Ўша пайтларда ёш бўлган эканман шекилли, озон қатламининг емирилишидан хавотирда, катталардек бош қотириб юрган кунларим бўлган. Дадамнинг тамакисидан чиқаётган тўтундан қалбим озорланган, табиат олдида ўзимни жуда гуноҳкор сезганман...

Интернет саҳифаларида бир мақолага кўзим тушиб қолди: "Озон қатлами оксиген қазилган иборат бўлиб,

ер сатҳидан 25 то 40 километр баландлигида сезилади. Бу наҳотбахш газ Ер сайёрасини қуёшнинг ультрабинафша нурлари ва бошқа зарарли нурлардан ҳимоя қилади. Агар озон қатлами нобуд бўлса, ер куррасидаги ҳаёт ҳам ўртада йўқ бўлади. Ва инсоният аждоғи, ўсимликлар ва жониворлар қисқа муддат давомида афсусланарли даражада инкирозга учрайди". Дахшатта тушдим. Наҳотки? Нима қилиш керак? Ўзимча ўйладим, озон қатлами емирилиб борса, қуёш нурлари ерга янада яқинроқ тушадиими? Музликлар эрий бошлаб, дунёни сув босади... қуёшнинг ультрабинафша нурлари оқибатида одамларда касалликлар учрайди... эҳ, олти ойлик чақалогим кўз олдимга келди. У эндигина туғилди. Ҳали ҳаёти олдинда. Қизимни бахтли ҳаётини кўришни истаяпман. Табиатга қандай наф келтиришим мумкин? Ҳа, бола-жонимга табиатни севишни ўргатаман.

Уловда юришдан кўра пиёда юришни, спорт билан шугулланиш кераклигини ўқираман. Лекин катталарчи? Болалигимизда осмонда из пайдо бўлиб қолса, "Ракета учди. Ана, ана самолёт учаяпти" дея шўх-шодон қийқарардик. Энди мен ҳар самолёт учганда ёки ракета самога йўл олганида, юрагимни ховчулайдиган бўлиб қолдим. Интернет хабарларидан бирига кўзим тушганди. Германиянинг Берлин шаҳри яқинида Buckower Felder номли автомобил кириши таъқиқланган кичик шаҳар қурилар экан. Шаҳар бинолари автомобиль йўллари орқали эмас, лифдалар ва велосипед йўлақлари билан бирлаштирилади. Хонадон эгалари ўз машиналарини шаҳар атрофига қуриладиган автотураргоҳларда қолдиришади. Шаҳарда истиқомат қиладиган ҳар бир фуқаро 125 метр квадратли автотураргоҳга эга бўлади.

Нега бундай шаҳарлар қурилоқда? Сабаби экологик тоза шаҳар муаммоси

долзарб аҳамият касб этмоқда. Маълумки, автомобиллардан чиқадиغان тўтун ҳавони ифлослайди. Афсуски бизнинг шаҳарларимизда машиналардан мақсадсиз фойдаланиш урғга айланмоқда. Айниқса ёшларимиз «кўча чангитиб келай» деб, кечаси уйдан чиқиб кетади. Айримлар эса иш жойига метрода бориш қулай бўлишига қарамай, автомашинасида боришни афзал кўради. Шу ўринда хориж тажрибасига хос яна бир мисол келтираман, Япония фуқаролари шахсий автомобил бўлса-да, ишга метро, автобус ва ҳатто, велосипедда боришни маъқул кўради. Бундан уялишмайди ҳам. Нега-ди бизда шунга ўхшаш ҳаракатлардан ор қилишади.

Юртимизда ҳам бугунги кунда озон қатламининг емирилишини олдини олиш бўйича тегишли чора-тадбирлар амалга оширилаётганлиги ҳақида ОАВ орқали ўқиб, билиб бормоқдамиз. Уйлайманки табиатни асраш, экологияни тоза ҳолда сақлаш борисида юртимизда ҳам кенг кўламли ишлар амалга оширилади.

Шоҳиста АБДУРАҲМОНОВА.

oilavajamiyat@mail.ru



# MEN BIR AMMA BO'LOY, HAVAS QILGUDÉK

**А**ммалар, аммалар... Жигаргўш аммалар, жигарсўз аммалар. Кўзлари кўзларимизга ўхшаш, сўзлари сўзларимизга уйқаш, кўнгиллари тоза дуоғўй аммалар. Ҳаётдаги энг яқин инсонимиз, отамизнинг жигари, онамизнинг дил тори, меҳридарё аммалар. Бу дунёда аммадан қадрли, аммадан меҳрли ким бор бизга?! Саксон ёшли отам аммаларини орзиқиб эслайди, соғиниб эслайди. Ёдига тушганда ҳақларига дуолар қилиб, кўзларига ёш олиб эслайди.

Дадамнинг Қирғизистондан Андижоннинг Жалолқудуқ туманига келиб бўлиб тушган аммаси ёзда Бозорқўрғонга от-аравада келиб, онасидан эрта айрилган 6-7 ёшли дадамини уйига олиб кетар, уни ўғилларидан ортиқ парвариш қиларкан. Дадам укамнинг қизига ўша меҳрибон Султоной аммасини исмини кўйган. Ҳар сафар сочлари жамалак қизалоқни ҳовлимизни тўлдириб, Султоной, деб чорлаганларида, кўз ўнгига катта амманинг фарштиали қиёфаси келади, унинг иссиқ меҳрини туяди.

Онам ҳам ўз жиянларига жонқуяр, жонжигар амма эдилар. Жиянларини кўрганда қувончдан кўзлари ёниб, қаерга ўтқазини билмай қолардилар. Онам вафот этган, тоғамнинг ўғли Жаҳонгир янги туғилган қизчасига Ҳамрохон, деб онамини исмини кўйди. Бундан тоғам ҳам, биз ҳам жуда хурсанд бўлдик. Онам хотирасини ҳурматлаб, тутган чиройли иши учун Жаҳонгир укамга меҳрим баланд. Кичкина Ҳамрохонни кўрганимда Онажоним кўз ўнгимга келади, уни ҳеч бағримдан бўшатгим келмайди. Қаранг-а, яхши аммалар бу дунёдан ўтиб кетганларидан кейин ҳам қариндошлик ипларини боғлаб турарканлар.

Аллоҳ менинг юрагимга бағрикенг, меҳрли амма, меҳрибон амма бўлиш истагини жойлаб кўйганди. Тоza ниятларим ижобат бўлиб, Аллоҳ менга бир-биридан ширин тўртта қизалоққа ва суллоамиз давомчиси Миркомилдек ўғлонга амма бўлиш бахтини берди. Ох, аммалик қандай ширин туйғу! Жиянларимни овозини эшитсам ширин энтикиб кетаман. Улар юборган телефондаги овозли хабарларни қайта-қайта тинг-



лаб юрагимга қувват олиб юраман. Қалбим тўридаги энг эзгу тилақларим улар билан. Топганимни илиниб, доим соғиниб, уларга талпиниб яшайман. Жиянларим ҳақида ёзган "Ота уйидаги марварид-маржонларим" номли бадиамни ўқиган болаларим "Аяжон, биламиз, сиз биздан кўра жиянларингизни яхши кўрасиз", дея ўпқаланиб кўйишгани рост.

Жиянларимнинг ҳам менга бўлган меҳрлари ота-онасидан кам эмас. Мен буни уларнинг кўзларидан, хатти-ҳаракатларидан ҳис қилиб турарман. Бунга бир мисол. Юртимизда ўтказилган бир издиҳомда менга ваэминроқ мато тортиқ қилишди. Уйга келсам Малоҳат: "Амма, бу кимга?", деб сўради. "Менга беришди, қариганимда тикиб кияман", дедим ҳазиллашиб. "Вой, аммажон, сиз қарийсизми?", деди ажабланиб. "Ҳа-да", дедим бепарвогина. Малоҳатнинг бирдан юзлари тундлашиб, лаблари чўччайди. Кейин оғриқли ўпқаланиш билан: "Йўқ, йўқ, сиз қаримайсиз, қаримайсиз", – деди ер депсиниб, такрор ва такрор. Бирдан юрагим тўлиб, уни бағримга босдим. "Аммасини қаршини истамайдиган оймомаларим, кунмомаларим, – дедим. сиз хоҳламангиз қаримаганим, кўп йиллар Сизлар учун мана шундай турганим бўлсин", дедим. Бизни кузатиб ўтирган дадамнинг кўзларига шошқатор ёшлар келди.

Тўрт беш-йил олдин юз-кўзлари, туриш-турмуши, табиати худди ўзимга ўхшаш Малоҳат жияним ҳақида гўзал бир бадиа ёздим.

Бадиа матбуот нашрларида чоп этилди. Кўп йиллар Навоий вилоят Хотин-қизлар Кенгагини бошқарган, диёнатли, адолатли, мўтабар аёл Анора Бобомуродова "Дўстлик байроғи" газетасида босилган бадиани бир дав-

**Азиз опам, синглим, балки сизда яхши амма бўлиш сири нимада, деган савол туғилгандир. Бунинг сири сизни аммалик мақомига сазовор қилган янгаларни, келинларни камчилигига кўз юмиш, ҳар ишидан айб ахтармаслик, дилини оғритмаслик, уларнинг кўнглини аяш, оғирини энгил қилишда. Билиб кўйинг, мурғак гўдак унинг онасига ким яхши муносабат билдирса ўшани яхши кўради.**

рада сўзма-сўз такрорлаб, "қанийди, ҳамма аммалар ҳам Салимажондай жонжигар бўлганларида, оилаларда кўйди-чиқдилар умуман бўлмасди, болалар отасиз ўсмасди", деб қолди. Давра ахли Опанинг гапларини қўллаб-қувватлади.

Тўғри-да, оилаларнинг тинчлиги ва осойишталиги кўпроқ хонадондаги келинлар билан қизлар ўртасидаги муносабатларга боғлиқ. Қайсики оилада қизлар билан келинлар ўртасида чиройли, адолатли муносабатлар ўрнатилса, ўша хонадон тинч-тотув ҳаёт кечиради. Борди-ю оилада келинлар билан қайсингиллар ўртасида адолатсизликка йўл қўйилса, қизларга хонзондалардай, келинларга хизматкордай муносабат бўлса, бу оилада мувозанат бўлмайди. Таҳрирланган келинини руҳияти сўник, шашти паст бўлади. Муте келиндан муте фарзаңдлар туғилади. Аммасидан хуркиб турадиган, кўрса юраги безиллайдиган хуркак гўдаклар нафақат бир оиланинг, жамиятнинг оғриқ нуқтасига айланади. Бу кимларгадир арзимас гап бўлиши мумкин. Аслини олганда эса, бу катта ижтимоий ҳодиса. Агар авлодимиз ҳам руҳан, ҳам маънан ва жисмонан соғлом бўлиб вояга етишини истасак, қизлар билан келинлар ўртасидаги муносабатларга бефарқ қарамаслигимиз керак.

Олти ойлик пандемия чекловлари юмшаб, чегаралар очилиб, юрагим тўлиб тошиб Қирғизистонга, ота уйимга

отландим. Йўл азобларидан толиқиб, тун қоронғусида уйимизга кириб борганимизда дадамга кўшилиб, жиянларим ҳам мижжа қоқмай бизни кутиб ўтиришарди. Уларга меҳрим жўшгандан кўшиб кетди. Амманни кутиш... Орзиқиб кутиш... Кутишлар ичида энг чиройли кутиш шу бўлса керак. Мактабда ўқганимизда онажоним Одинахон синглим билан менга Қадамжойдан олиб берган тилло зирақларни жиянларимга тақиб кўйдим. "Қизларим, бу хонадонда онамнинг руҳи кезиб юрибди. Сизлар бу зирақларни тақиб, ақлли қиз бўлиб юрсанглар, бувижонингизнинг руҳи шод бўлади. Сизлар ҳам катта бўлиб менинг ёшимга етганингларда, бу зирақларни мана шу ҳовлида яшайдиган жиянларингга совға қилинглар. Фақат ҳозир менга яхши амма бўлишга сўз беринглар", дедим. Қизлар "Аммажон, биз ҳам худди ўзингиздек, яхши амма бўламиз", дейишди баралла. Қизлар хурсанд, улардан ҳам кўра оналари хурсанд. Айниқса дадамнинг қувончининг чеки йўқ. Ахир дадамини эртаю кеч парвариш қиладиган шу қизлар, иссиқ-совуғидан хабардор шу келинлар-ку! Биз қиз бўлиб нима килдик? Ота-онамизни дийдоримизга интизор қила-қила, бир йилда бир-икки марта бориб кўриб кўямиз. Бу сафар ҳам сафаримиз жуда эрта қариди. Бундан жиянларимнинг диллари хира бўлиб, кўзларида ёш билан кузатиб қолишди.

Азиз опам, синглим, балки сизда яхши амма бўлиш сири нимада, деган савол туғилгандир. Бунинг сири сизни аммалик мақомига сазовор қилган янгаларни, келинларни камчилигига кўз юмиш, ҳар ишидан айб ахтармаслик, дилини оғритмаслик, уларнинг кўнглини аяш, оғирини энгил қилишда. Билиб кўйинг, мурғак гўдак унинг онасига ким яхши муносабат билдирса ўшани яхши кўради. Борди-ю кимдир унинг онасига зугум ўтказса, унинг жажжи юракчаси зирқираб оғрийд ва ўша одамни ёмон кўриб қолади. Келинг, сулопангизнинг давомчилари, акангизни ўқангизнинг шугина норасидаларига шафқатли бўлинг, уларнинг онаси кўнглига азоб етказманг. Шундагина жон жиянингиз сизга узоқдан ёвқараш қилмайди, олдингиздан қочмайди. Шундагина у сизни менинг аммам яхши инсон деб, бағрингизга отилади. Аммалик бахти энг ширин, энг роҳатбахш бахт! Акс ҳолда, келин ёки янганга ўйламай айтган бир оғиз сўзингиз билан яхши амма бўлиш бахтидан мосуво бўлишингиз мумкин. Ҳай, ҳай, эҳтиёт бўлинг! Сиз ҳам менга ўхшаган бир амма бўлинг, ҳавас қилгудек.

**Салима ХОЛДОРОВА,**  
Навоий кон-металлургия  
комбинати музейи раҳбари.

## ТО'У КУНИДАГИ АЖОЙИБ ВА С'АРОЙИБ ОДАТЛАР

Ҳар бир мамлакатда тўй маросими турлича ўтказилади. Бошқа элларнинг ўз ирим сирилари, одатлари мавжуд. Бугунги саҳифамизда дунё бўйлаб тўй маросимларига назар ташлаймиз.

### ИСПАНИЯ

Тўй маросими вақтида ёш келин куёв узаро 13 та танга алмашади. Бу тангалар аррас деб аталади. Ўз тангаларини алмашиш, бу оила келажақда ҳам эр хотин сифатида бирликда бўлишни аңлатади. Тўй



арафасида норасмий равишда Полте-рабанд номли базм ўтказилади. Унда фарфор идишлар синдирилади. Кейин жуфтлик шу синган бўлақларни биргаликда йиғиштириб чиқишади.

### СЛОВАКИЯ

Тўй тамаддисида сўнг меҳмонлар

боқалларни синдиришга тушишади. Бу ерлик келин куёвлар ҳам боқал синиқларини биргаликда йиғиб олиши одат тусига кирган. Яна бир ирим бор: агар тўй маросими "р" ҳарфи иштирок этган ойда ўтказилса (масалан, январь, март, сентябрь...), у ҳолда турмуш омадли ўтишига ишонилсади.

### ИТАЛИЯ

Келин куёв биринчи кечани ўтказадиган ётоқ жилдларини иккита турмушга чиққан аёл тўшаши керак. Келин ўз никоҳ қўйлагига игна теккизмаслиги шарт. Йўқса, қанча чок тиккан бўлса, умри давомида шунча кўзёш тўқади, деган ирим мавжуд.

### ФРАНЦИЯ

Келин куёвнинг дўст ва дугоналари

## Bizdan olislarda

торт бўлаги, шампан, вино, пишлоқ ва сабзавотларни йиғиб битта идишга соладилар. Ёш жуфтлик эса ушбу аралашмани катта идишдан биргаликда ичишлари керак.

### ЎЗБЕКИСТОН

Бизнинг дийрда ҳам ажойиб одатлар йўқ эмас. Масалан, келин куёв чимилдиққа киришдан аввал "оёқбосар" одати ўтказилади. Унда ким биринчи бўлиб жуфтнинг оёғини босишга улгурса, ўша оилада етакчи бўлишига ишонилсади. Шунингдек, куёв келинга асал, новволти чой ичиради. Бу билан турмушларининг ширин бўлишига ишора қилишади.

**НОДИРАБЕГИМ тайёрлади.**



## YURT BAYROG'INI BALAND

## TUTGANLAR

**У**збекистон ёшлари кўплаб халқаро танловлар, спорт мусобақалари, фан олимпиадаларида фахрли ўринларни эгаллаб, юртимиз куч-қудратини, интеллектуал салоҳиятини бутун дунёга намойиш этмоқда. Яқинда масофавий тарзда ўтказилган IBO2020 Challenge – Халқаро биология олимпиадасида Ўзбекистон терма жамоаси аъзоси Тошкент педиатрия институти қошидаги академик лицей ўқувчиси Саида Валижонова мамлакат тарихида илк бор биология йўналишида олтин медални қўлга киритди.

Халқаро олимпиада Япония давлати томонидан ташкил қилинган бўлиб, унда 52 та давлатдан 262 нафар иштирокчи қатнашди. Юртимиз шарафини муносиб ҳимоя қилган тўрт нафар ёшларимиз 1 та олтин ва 2 та кумуш медал билан тақдирландилар.

Болалигиданоқ табиат билан ошуфта улғайган Саида бўш вақтларида ўсимликлар, ҳайвонот олами билан кизиқарди. Табиатга меҳр қўйган қахрамонимиз асли Хоразм фарзанди. У 2009 йилда Урганчдаги 5-сонли мактабда, 2011 йили эса оиласи билан Тошкент шаҳрига кўчиб келиб, 117-мактабда таълимни давом эттирди. Бу тиришқок қиз дарсдан ташқари бадиий китоблар ўқиб, тасавурида жонланган асар қахрамонларини қоғозга туширишни, табиат манзараларини тасвирлашни ёқтирарди. 2018 йил мактабни битириб, Тошкент педиатрия тиббиёт институти қошидаги академик лицейга кирар экан, билими ва иқтидори билан тезда ўқитувчиларнинг ишончига сазовор бўлди.

– Ҳар бир инсон болалигидан бегубор орзулар оғушида улғаяди, дейди – Саида. – Кимдир учувчи бўлиб самога парвоз қилишни, кимдир спортчи бўлиб юртимиз байроғини баланд кўтаришни, яна кимдир эса ёш авлодга таълим-тарбия беришни истаса, мен кўли энгил шифокор сифатида беморлар дардига малҳам бўлишни орзу қилардим. Бу бегубор орзу-хаёллар завқини дунёдаги ҳеч нарсага алишгинг келмайди. Йиллар ўтгани сайин ана шу орзулар мақсадга айланди. Қанчадан қанча интилиш, уйқуш тунлар, тинимсиз қилинган меҳнат оқибатида бугун болаликдаги орзуларим бирма-бир ижобат бўлмоқда, балки болалигимдан ҳам кечигиша тўғри келган.

– Тўғриси айтсам, қизимдан бу каби натижаларни кутган эдим, – дея суҳбатга қўшилади Саиданинг онаси Умида Мадаминова. – Чунки унда билим ва ўзига бўлган ишонч юқори эди. У кичкиналигиданоқ “доктор” ман деб бизни ва ўйинчоқларини “даволарди”. Ҳамма қизлар қўғирчоқ ўйнаса, Саиданинг ўйинчоқлари асосан докторлик асбоблари бўларди. Саида атрофдаги гуллар, дарахтлар, қушлар билан дўстлашарди. Мактабга чиққанида ҳам

йил давомида камчиликлари устида тинмай ишлади.

– Аввал ҳам олимпиадаларда қатнашганман. Тенгдошларим, хусусан, ўзбекистонлик ёшларнинг билим даражасидан хабардорман. Шу боис, ушбу фан олимпиадасига жиддий тайёргарлик кўрдим, – дейди Саида. – Бундай нуфузли беллашувларда билимни синовдан ўтказиш баробарида кўплаб дўстлар орттирдим. Медал олингандида қувончимни эса тасвирлай олмайман. Бу ютуқ билан тўхталиб қолмасдан янада юқори натижага интилишга ҳаракат қиламан. Лаборато-

эришолмасдик, менимча.

Саидани бу йўлда кўллаб-қувватлаган ва ютуқларга эришишида устозларининг ҳам ўрни бўлак. Биз ундан устозлари ҳақида сўраганимизда тўлқинланиб шундай жавоб берди.

– Дарҳақиқат, ҳозирги ютуқларим албатта, менга таълим берган устозларимнинг меҳнати самарасидир. Лицейда биология фани ўқитувчиси Мукамбар Муҳаммедова биологиянинг бошланғич билимларини берган бўлса, кейинчалик Бахтиёр Усмонов ва Лазиз Зайлобовлар менга кимё фанидан сабоқ беришди.

– Юртимизда ёш авлодга юксак ишонч билдирилиб, ўқиб-ўрганишимиз учун катта имконият яратилмоқда. Чет эллик тенгқурларимиз билан билимимизни синовдан ўтказиш учун мана шундай нуфузли беллашувлар ўтказилмоқда. Доим ютуқларга эришган тенгдошларимни кузатиб: “Мен ҳам шундай муваффақиятга эриша оламан”, дея астойдил ҳаракат қиламан. Буларнинг барчаси биз, ёшларни янада фаолроқ ва изланувчан бўлишга, яратилган шароитнинг қадрига етишга, билдирилган юксак ишонччи оқлашга ундайди. Муваффақиятнинг масъулияти катта, албатта. Ниятим – биология соҳасида йирик тадқиқот олиб бориб, юртимиз илм фани тараққиётига ўз ҳиссамни қўшиш.

Саидахон билан суҳбатимиз яна анча давом этди. Ундаги теран фикрни, интилувчанлик ва дунёқарашининг кенглигини кўриб ҳавасим келди. Бундай ёшларимиз ҳақиқатан ҳам эртага оламшумул ихтиролар қилиб дунё илм фанида Ўзбекистонимизнинг суҳратини янада оширишлари шубҳасиз. Интиланганга топе ёр. Ёшларнинг билими, саъй-ҳаракатлари эътиборсиз қолмайди. Халқаро олимпиадада голибликни қўлга киритган ўзбекистонлик ўқувчилар ва уларнинг ўқитувчиларига пул мукофотидан ташқари, давлат гранти асосида ўқишга кириш ҳуқуқи берилди.

**Чарос ДЎСТАТОВА**  
суҳбатлашди.



асосан аниқ фанларга кизиқиб, математикадан фан олимпиадаларига қатнашиб турарди. Кейинчалик келажақда қизиққан касби шифокорликни танлади. Шу сабаб биология ва кимё фанларига кизиқиши ортди. Бобосининг шифокор бўлганлиги ва биз томондан кўллаб-қувватланишлари уни шу касбни танлашига ҳам туртки бўлди, десам адашмайман.

Саида мактабда ўқиб юрган пайтларида онаси билан жаҳон олимпиадаларида қатнашаётган ёшларни зангори экран орқали кўриб, уларга ҳавас қиларди. Онаси “Қизим, сенга ишонаман, сен албатта, жаҳон олимпиадасида муносиб қатнашиб, олтин медал оласан”, деб унга ишонч билдирган ва фан олимпиадаларида иштирок этишга даъват этган. Онасининг бу ишончи унда иштиёқ уйғотди ва бу ишонччи оқлаш учун Тошкент педиатрия институтининг академик лицейига ўқишга кирди. Бу ерда унинг чақнаб турган кўзларига қараб тиришқок, меҳнатсевар, ўз олдига қўйган мақсадлари сари дадил бора олишига ишонган ўқитувчиси Мукамбар Муҳаммедова уни биология йўналиши бўйича олимпиадага тайёрлай бошлади. Кетма-кет босқичлардан ўтиб, республика олимпиадасига чиққан қахрамонимиз биринчи ўринни олиб, жаҳон олимпиадасига йўланма олди. Ҳали лицейнинг 1-босқичидаёқ Саидахон Венгриянинг Будапешт шаҳрида халқаро олимпиадада бронза медалини қўлга киритган эди. Шундан кейин у бир

“**Ҳар бир қисмда 50 тадан юзта тест ечдик. Бунда олти соат вақт ажратилди. Ота-онам, устозларим ва мени таниган барча инсонларни ишончи, кўллаб-қувватлаши менга катта куч берди. Бизга пандемия шароитида олимпиадага тайёргарлик учун яхши шароитларни яратиб беришди. Бусиз голибликка эришолмасдик, менимча.**”

рия жараёнида бажариладиган топириқларни пандемия шароитидан келиб чиқиб компьютер орқали бажардик. Берилган вақт эса беш соат. Бу вақтда биз ҳеч қаерга қимирлашимиз керак эмас. Иккинчи куни эса назарий бўлиб, икки қисмдан иборат бўлди. Ҳар бир қисмда 50 тадан юзта тест ечдик. Бунда олти соат вақт ажратилди. Ота-онам, устозларим ва мени таниган барча инсонларни ишончи, кўллаб-қувватлаши менга катта куч берди. Бизга пандемия шароитида олимпиадага тайёргарлик учун яхши шароитларни яратиб беришди. Бусиз голибликка





Qutlibeka Rahimboyeva:

# "TAQDIR YO'LLARIM – QOQ'OZLAR BILAN TUTASH"



**М**устақиллигимизнинг 29 йиллиги муносабати билан Президентимиз фан, таълим, адабиёт, маданият, санъат ва оммавий ахборот воситалари соҳалари ходимларидан бир гуруҳни мукофотлаш тўғрисида фармон имзолади. Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси аъзоси, шоира Қутлибека Раҳимбоева ҳам "Меҳнат шухрати" ордени билан мукофотланди. Жамоамиз номидан опани ушбу юксак мукофот билан табриклаб, унинг дил дафтарини варақлаш мақсадида суҳбатга чорладик.

– Бир ижодкор аёл учун ўз хизмат бурчини виждонан бажариш, оиласи олдидаги вазифаларини урдалаш билан бирга юрт раҳбари томонидан мукофотга лойиқ кўрилиши ёқимли бўлса керак? Албатта бундай ютуқларнинг ортида неччи йиллик изланишлар, тажрибалар, ўқиш-ўрганишдек заҳматлар тургани табиий...

– Аслида биз – барча ўзбекистонликлар 1991 йилнинг 31 августда жуда бир катта мукофот билан тақдирланганмиз. Ўша унутилмас кунда ҳаммамизни таржимаи ҳолимизга "Озод Ўзбекистоннинг озод фуқароси" деган бир умрлик фахру гурур, бир умрлик қувонч, бир умрлик масъулият берадиган мукофот фармони битилган.

Фақат биз бу мукофотларни – адолат, ошқоралик, шаффофлик, меҳнатга рағбат, меҳнатчига ҳурмат, инсон қадрининг ва қадрининг кўтарилиши билан боғлиқ қувончларимиз – мукофотларимизни қалбимизга тақиб олганмиз. Улар ҳаммиша ич-ичимизни иситиб, ёритиб туради.

Мустақиллигимизнинг 29 йиллиги муносабати билан бир гуруҳ юртдошларимиз қатори менинг ҳам камтарона меҳнатимнинг баҳоланганига келсак, албатта, ёқимли. Дўсту дугоналарим, қариндошлар, ҳамкасблар, таниш-нотаанишларнинг табригини қабул қилар эканман, рости биров хижолат ҳам бўлдим. Ахир ҳозир ҳукуматнинг бошида жон қайғуси турибди. 35 миллионли катта бир халқни мана бу балои азимдан омон

олиб ўтиш каби зарурдан зарур масала орасида мендай, биздай бир заҳматкашнинг меҳнатимизнинг ҳам кўздан қочирилмаганини ўйласам, ҳадеб ич-ичимдан: "Умр вафо қилсин-да, бу ишончларни оқлайлик", деган бир овоз келяпти. Албатта, шу хижолатпазликдан олиб чиқиб кетадиган сабаблар ҳам борки, булардан бири биз ҳақимизда айтиладиган "тангайли меҳнат билан кўтарилган", деган таърифдир. Чиндан ҳам меҳнат билан эйгуз турилгандекман. Тақдир йўлларим кўп нуқталарда қоғозлар билан тутатиб келяпти.

**– Пандемия шароити ҳамма инсонларни уйда ўтиришга мажбур қилиб қўйди. Сизнингча синовиел кунлар ижодкорга йўқотиш бердими ёки аксинча...**

– Биласиз, қалам аҳлига ҳаммиша вақт етишмайди. Айниқса бир тарафдан тирикчилик аравасини тортадиган ижодкор доим икки ўт орасида яшайди. Чунки ижод инжиқ, рашкчи бўлади. Юрагинги бошқа нарсаларга берганини қабул қила олмай қийналади. Лекин "уч – тўрт ойлаб уйда ўтирдик, карантиндан фойдаланиб мазза қилиб ёзолмаган нарсаларимни ёзиб олдим", дея олмайман. Ҳар бир ўлим хабаридан юрагим титради: "Худонинг ишларига банда аралаша олмайди", деган ҳақиқатга исён қилмасам-да, йўқотишларни оғир қабул қилдим. Улар орасида хўжайинимнинг яқин хешларидан тортиб ўзим ниҳоятда қадрлайдиган актёрларгача бор. Улардан айрилган пайтларимда бир – икки кун ҳаёт бор маъносини йўқотгандек бўлиб ҳам юрдим. Лекин танганинг икки томони бор, деганларидек, бу табиий офат ҳаммамизга умрининг ҳар бир лаҳзасининг ғанимат эканлигини таъкидлагандек бўлди. Эл бошига иш тушганда, жуда кўп элдошларимизда саховат, мурувват каби халқимизга хос фазилатлар уйғонди. Бири бировига еб турган нонини илинган, Сардоба воқеасида эса энгидаги кийими, яшаб турган уйини илинганини кўриб:

– Орамиздаги иллатлар миллатни емиради, деб у қаҳар кўрқмасам ҳам бўлар экан. Икки тошнинг ўртасига тушганда барибир халқда халқлик белгилари намоян бўлар экан, деб ўйладим. Ўйлаганларимдан таскин топдим. Ёзиш масаласига келсам мен бу даврда кўпроқ публицистика билан шуғулландим. Чунки ҳозир айтадиганларимни айнан шу жанрда айта оламан, деб ўйладим. Ижодкор одамларни яхши кўриши, уларнинг хатоларидан огриниши, ҳар бир хатонинг иккинчи тарафида ўзини тасаввур қилиши: "Агар мен ўз вақтида бу одамни ана шу хатодан қайтарганимда бун-

дай бўлмасди", деган алами, пушаймони бўлиши керак деб ўйлайман... Демокчиманки, пандемиянинг берган сабоқлари шу фикримни ҳам мустаҳкамлади, фикримдан қайтаргани йўқ.

**– Газета нуқтаи назаридан келиб чиқиб сўрайдиган бўлсак бугун айрим маҳаллалардаги оқсоқолларнинг халқ манфаатини эмас, кўпроқ ўз манфаатини кўзлаб ишлаётгани сезилиб қолди. Сизнингча улар ҳалоллик, фидойилик бўйича маҳалладошларига ўрнатилган бўлиши керак эмасми?**

– Маҳалла оқсоқоллари тайинланаётгани йўқ. Сайланапти. Бу дегани маҳалламизга ҳалол оқсоқол ёки нафсига қул бошлиқ келадими, ўзимизда қолган гап. Мен ҳам ҳар бир сўм одамлар кунига яраб турган бир пайтда

айби ўша оқсоқолниқидан кам эмас. У иш бошлагандан сўнг ҳам биздан ҳайиқмабдими, демак биз заифмиз, кучсизмиз. Агар биз ҳамма жойда тартиб ўрнатилишини, қонунга, миллий қадриятларга хиёнат бўлмаслигини истар эканмиз, ўзимиз кучли қонунлар ҳимоячиси, қадриятлар ҳимоячиси бўлишимиз керак. Ахир мустақилликнинг маъноси ҳам шу эмасми? Ҳар бир инсонни шахс даражасига кўтариш, ўз фикрига эга қилиш, ўз фикрини ҳимоя қилишга, курашишга ўргатиш... Биз қачонки фикрий қарамликдан, жонимиз учун кўрқувдан халос бўлсаккина нафисхўр оқсоқоллар, ҳатто, ундан каттароқ даражадага мансабдорлар ҳам биз билан, яъни рўпарасидаги халқ билан ҳисоблашади. Ўзи яшаёт-

дай бўлгандан кўра ўлганинг яхши", дея ёзганимиз, лекин: "Бу менга бегона эмас-ку, унга сачраган лой менга ҳам тегади-ку, шуни шарманда десалар, унга қавмдош бўлган менинг ҳам номим тушади-ку", дея жонимиз ачишмайди. Яхшиларни "меники" дея оламиз, аммо яхши бўлиши учун куч, маблағ, меҳр сарфлашни керак бўлганларга кўпм ёндашавермаймиз. Ахир, бизнинг ёмонларимизни биров яхши қилиб бермайди-ку. Бу борада Юртбошимизнинг ҳавас қилса арзийдиган ибратлари бор. Суриядан келтирилганларни эспайлик ёки афв қилинаётганларни... "Бошорик бўлади", деб ўз ҳолига ташлаб қўйилса ҳам бўларди-ку. Лекин яқинимиз ўзимизники бўлганидек, ёмонимиз ҳам ўзимизники. Биз ҳарчанд ўзимиздан соқит қилмоқчи бўлсак-да, қаерга борса-да, қандай иш қилса-да у бизники бўлиб қолаверади. Покланиш, тозарош, миллат қадрини кўтариш умуммиллий ишдир, албатта, бу борада тарихда қоладиган катта ишлар қилиш ҳаммамнинг имконияти нарса эмас. Лекин ҳар бир кишида ўзини, ҳеч бўлмаса ўзини миллатнинг шаънига доғ туширмайдиган даражада асраш имконияти бор. Бу имкониятни бой бермаслик шарт.

**– Бугун ҳаётдан олган сабоқларингиз, ҳақиқатларингиз билан ҳам ўртоқлашсангиз?**

– Умрим кўёши шомга ога бошлаганда келган ҳаётий ҳақиқатларимдан бири "Ёмонлик ҳам, яхшилик ҳам қайтади", деган азалий нақлга бўлган ишонч.

Мисоллар билан айтاي: Бир суҳбатда эшитганим: – Биз талаба пайтимиш пахта масаласига ҳаёт – мамот масаласида қаралар эди. Укувим йўқроқ, кунда кунора штаб бошлиғи линейкага чиқариб, уялтиради. Ахийри бир кун жонимга тегиб кетган, жуда кўп тирадиган, бир-икки кило пахта олиниса билинмайдиган курсдошимнинг қолига ўғирликка тушдим. Бу ишни бир-икки бор қилдим. Кейин сал сезгандай бўлишган эди, назардан қолмай, деб тўхтатдим. Улғайдим, турмуш қилдим, фарзандларимдан бирининг терисига оқ доғлар тошди. Шунда "Оқликка хиёнат аралашса, қайтими ёмон бўлади", деган гап эсимга келди.

Демак, қилмишимизга ҳозир қирқ йилда эмас, ундан анча олдин, нариги дунёда эмас, бу дунёда жавоб қайтаётган, ўзимизга хушёрроқ бўлишимиз керак экан. Айтинг, айтинг, ёмонлигимиз фақат ўзимизга эмас, кўпчиликка қайтса-чи, бундай катта қайтишлардан худо асрасин!

Яна бир ҳақиқатим: яхшилик йўлида меҳнат қилавер, холик билар, билмас, дарёга от, балки билар...

**Нигора РАҲИМОНОВА**  
суҳбатлашди.



**– Биласиз, қалам аҳлига ҳаммиша вақт етишмайди. Айниқса бир тарафдан тирикчилик аравасини тортадиган ижодкор доим икки ўт орасида яшайди. Чунки ижод инжиқ, рашкчи бўлади. Юрагинги бошқа нарсаларга берганини қабул қила олмай қийналади. Лекин: "Уч – тўрт ойлаб уйда ўтирдик, карантиндан фойдаланиб мазза қилиб ёзолмаган нарсаларимни ёзиб олдим", дея олмайман. Ҳар бир ўлим хабаридан юрагим титради.**

камхаржларнинг ёки етимларнинг ҳақиқа кўз олайтирган маҳалла раҳбарлари ҳақида эшитдим. Бундай бўлишига ким айбдор? Аввало ўзимиз. Чунки биз сайлов пайтида ўзимиз бепарво бўлганмиз. Ким сайланса, сайланавермайдим, деган кайфиятда шунчаки номга сайловда қатнашганмиз. Ахир виждонига куя тушган оқсоқол мансабга ўтирган кун бошқа одам бўлиб қолмайдик. У азалдан шундай кимса бўлади. Агар ёмонликларни пинҳона бўлса-да, сайловдан олдин унинг шахси ўрганилади. Яна ва яна шу гап: биз сайловчилар – маҳалла аҳлининг

ган жамият қонунларидан, яхши анъаналаридан баландга сакрамайди. Чўлпон ҳазратлари айтмоқчи: "Ҳақ олинади, берилмайди"...

**– Илгари аёллар хато иш қилиб қўйса атрофда бўлишдан шарманда бўлишдан уялишарди. Бугун эса аксинча, ижтимоий тармоқларни кузатсангиз айрим аёллар шармандаликни касб қилиб олишди. Бунинг сабаби нимада?**

– Вилоятлардан бирига борганимда бир воқеани айтишди. Хорижга бориб танфурушлик қилиб келган бир кимса (аёл, десанг тилинг куяди) қайтиб келгач, маҳалла аёлларини чорлаб зиёфат берибди. Ҳеч ким "Бетинг қурсин", демабди, ошини еб, сарпосини кийиб дуо қилиб қайтибди. Тўғри, мен бундайларни маҳалладан қувғинди қилиш керак ё ҳаромдан топган машинаси билан бирга чуқурга кўмиб келиш керак, деган гапни айтолмайман, лекин унинг ўлган ориятини тирилтириш учун нималардир дейиш кераклигини биламан.

Ахир ўша ижтимоий тармоқни "гуллатаётганлар" оролда яшамайди-ку. Биз билан ёнма-ён яшайди. Кўпимиз унинг қилганини биламиз, ҳатто, ҳамсуҳбат ҳам бўламиз. Орқасидан: "Бун-



# ODAMIYLIK O'LMASIN...

– Болам, – деб набирасини чақирди буви, ёнига келган қизнинг кўлини тутиб торти-нибгина мақсадни айтди. – Кечаси нимагадир этим уви-шяпти. Пахталик камзулимни топиб берсанг кийволардим, яна сизларга ташвиш ортти-риб қўймай...

– Вой, ойижон-ей, – шу заҳоти ичкаридан чиқиб келди ёш она. – Доим шунақасиз. Ахир Гули кечикиши мумкин эмас-ку! Репититорнинг вақти дақиқама-дақиқа ҳисобланган, йўлдан қолдирманг...

Айбдор бола каби онахоннинг боши эгилди, шу лаҳза аёл қизига: “Бу ёққа ўт. Кетавер!” ишорасини қилди. На-бира бир зум иккиланиб, бувисидан узоқлашди.

Юқоридаги воқеани “Ойим ҳеч нар-сани тушунмайдилар. Зарур, муҳим ишга ўзларининг ташвишларини тиқиштирадилар”, деб қайнонасидан сўз очган, “қизининг инглиз тилини пухта ўрганиши учун ҳамма шароитларни яра-тиб берган” жувоннинг қайнонасидан на-вбатдаги шикоятини эшитаркан, хаёлан тасаввур қилдим. Абдурашид Отахонов деган олим (космонавтика бўйича)нинг гаплари ёдимга тушади: “Оиладаги юмушларни бажаришда ҳамма бола теппа-тенг иштирок этиши керак. Гоҳида фарзандлардан бири: “Эртага мактабда фалон фандан ёзма ишим бор”, деса, мен: “Жуда яхши. Уйдаги ишларни бажариб бўлганингдан кейин дарсга тайёргарликка ҳам вақт топасан, дей-ман”. Шу олимнинг тўрт ўғли мактабни фақат “аъло” баҳоларга битиришди, турли соҳаларда етук мутахассис бўлиб етишдилар, бир нечтадан чет тиллари-ни билишди. Кўпчиликнинг ҳавасини келтирган ибратли жиҳатларидан бири – она тилида тиниқ, раво сўзлайдиган бу йигитлар оилавий ишларда онаси, аёлини доим қўллаб-қувватлашади. Қўни-қўшиллар ҳурматини жойига қўйишади. Бу хонадонга меҳмон бўлиб



...Метро ва-  
гонида баланд овоз-  
да гаплашиб бораётган  
қизларнинг русча, инглизча, ун-  
да-мунда ўзбекча сўзлар қоришиқ  
суҳбатидан кимдир ажабланар, ким-  
нинг энсаси қотар... мен кулимсираб  
уларга яқинлашиб:

– Ассалому алайкум, узр, гапларин-  
гизни бўлдим, – дедим. – Қизларжон,  
баланд овозда ҳаммага эшиттириб  
гапириш чиройлимас-да... Яна... –  
деганимча қолдим. Менга “Кимсан  
ўзи?” дегандай қараган қизлар  
шарт ўгирилиб, “пиқ-пиқ”  
кулиб нари кетишди...

келганлар йи-  
гитларнинг  
одоб-ахлоқи,  
муомаласи,  
камтарлиги,  
самимияти  
қанчалар  
чиройли экан-  
лини эслаб,  
гапириб юри-  
шади.

Қариндошу  
таниш-билишлар-  
нинг ҳафта-етти кун  
давомида чет тил-  
ларини, аниқ фанлар-  
ни ўрганиш учун курслар  
ёки алоҳида ўқитувчиларга; гоҳ  
музыка, гоҳ спорт, гоҳ тасвирий санъат  
бўйича машғулотларга қатнайдиган  
ўғил-қизларидан кузатганим ҳолатлар  
фикримда айланади.

...Меҳмонда эдик. Даврадагилардан  
бири ўн беш ёшлардаги қизини олиб  
келган экан. Суҳбатда бу қизнинг мусав-  
вирликка иқтидори борлиги, танловлар  
ғолиби экани маълум бўлди, ким ҳавас  
қилди, ким янги муваффақиятлар

тилади-ю...  
сал ўтмай да-  
стурхондаги  
тансиқ ньём-  
матларга  
ҳаммадан  
олдин  
қизнинг ўзи  
қўл уриши,  
гоҳ онаси унга  
олиб бериши  
ўтирганларнинг  
хафсаласини пир  
қилди.

...Метро ва-  
гонида баланд овоз-  
да гаплашиб бораётган  
қизларнинг русча, инглизча, ун-  
да-мунда ўзбекча сўзлар қоришиқ  
суҳбатидан кимдир ажабланар, кимнинг  
энсаси қотар... мен кулимсираб уларга  
яқинлашиб:

– Ассалому алайкум, узр, гапларин-  
гизни бўлдим, – дедим. – Қизларжон,  
баланд овозда ҳаммага эшиттириб  
гапириш чиройлимас-да... Яна... –  
деганимча қолдим. Менга “Кимсан  
ўзи?” дегандай қараган қизлар шарт

ўгирилиб, “пиқ-пиқ”  
кулиб нари кетиш-  
ди...

Бугун мамлака-  
тимизда ёшлар ис-  
таган ҳорижий тил-  
ларни, илму фанни  
чуккур ўрганиши,  
уларнинг иқтидори  
тўлиқ намоён  
бўлиши учун ҳар  
доимгидан кўпроқ  
эътибор бери-  
ляпти, ғамхўрлик  
қилиняпти. Фар-  
занди келажак-  
да таниқли олим,  
санъаткор, спорт-  
чи... бўлиши орзу-  
сида ёш болалар-  
ини турли макта-  
блар, тўғараклар,  
машғулотлар,

устозларга олиб боришдан вақтин  
ҳам, маблағини ҳам аямаётган ота-  
оналар сони кундан кунга кўпаймоқда.  
Бу – қувонарли ҳол. Фақат унутмайлик,  
чет тилини “сув қилиб ичаётган”, замо-  
навий фанларга боши билан шўнғиган,  
халқаро танловларда ғолибликка инти-  
лаётган ҳар бир ўғил-қизимиз танлаган  
соҳасининг етук мутахассиси сифатида  
ватанга сидқидилдан хизмат қилиши  
аввало, атрофидагиларга ҳурмат-  
эҳтиромли, ширинсўз, оқибатли, эъти-  
борли, саховатли, самимий бўлишига,  
яъни одамийлик фанини ўрганиб  
уққани ва унга нечоғли амал қилишига  
– маънавиятига боғлиқ. Шунинг учун  
ўғил-қизларимиз ақлини пешлайдиган,  
ўткир қиладиган билимларни ўрганиши  
баробарида уларнинг қалбини ҳаётга,  
ватанга самимий муҳаббат билан без-  
айдиган, феълу аъводини инсонсевар-  
лик нури билан ёритадиган фазилатлар  
соҳиби этиш аввало, ота-оналарнинг,  
жамиятнинг ҳамisha долзарб вазифа-  
сидир.

Муҳтарам УЛУҒОВА,  
Республика Маънавият ва маъ-  
рифат маркази масъул ходими.



**У**йждо кишиси эди.  
Баъзан юрагида  
жўшган гапла-  
рини ён дафтарига қайд  
этиб борар – шугина амали  
бутун ҳаётига маъно  
бахш этиб турганди гўё.  
Иждоддан тўхтаса ҳамма  
нарса унинг учун тақа-тақ  
тўхтайдигандай...

Яхшигина маош ва лавозим так-  
лиф қилишди. Аввалига уйланиб, сўнг  
бир қарорга келди: розилик билдирди.  
Янги вазифада ишлаб юраркан –  
расмий одамга айланди. Расмиятчи-  
ликлар ҳиссиозликка олиб борди. Ён  
дафтарга энди фақатгина қандайдир  
топшириқлар, вазифалар, қилиниши  
лозим бўлган ишлар ва бошқа керакли  
ёзувлар қайд этиларди.

Кунлар ўта бошлади. Аламли  
изтироқ ортага чекинади демасди.  
Каттароқ раҳбар танқидига учраб иш-  
дан бўшатилган кимсани ишга олишга  
қуйироқдаги бошлиқлар ҳам журъат  
этолмасди. Аввалги иш жойига қайта  
хужжатларини топширди.

Баъзан дераза ойнасидан ташқарида  
турган қоғоз кутига қараркан, умрининг  
бир қисмини беҳуда кетказгандек ҳис  
қиларди ўзини. Сўнгги ўн йиллик фао-  
лияти шугина кути ичига – ундаги бир  
нечта дафтарларга жо қилингандек.  
У охириги ўн йилда қайд этган ёзувлар  
ёзилган кунда – соатида лозим бўлган  
жумлалар, холос. Бугун улар бировга  
керак эмас, ҳеч бир мантиқ, маъно йўқ  
у гапларда! Онда-сонда у-бу сатр иждо  
қилиб турганини айтмас – иждоқлик-  
дан буткул чиқиб кетди ҳисоб!

Бир вақтлар иждога буткул шўнғиган  
одамни ҳаёт ўзгартириб, кишининг қалами

## YON DAFTAR

бир сатр ҳам ёзолмайдиган бўлиб қолса?  
Ғалати! Кафтини пешонасига тираганча  
бу ҳақда узоқ ўйларкан, қачонлардир  
мажлисбозлиги йиғилишбозлиқлар  
орасида юрагидан ёзган тўрт сатр иждо  
ди тўсатдан хотирасига келди. Кўкси  
гупиллаб ура бошларкан, ўз-ўзидан  
қўйилиб келган мисралардан бушагандай  
жўшқин қалби ҳарорати танага ҳам кўчди.  
Муаллифнинг руҳиятида анча вақтлар  
илгари содир бўлган қандайдир ҳолат  
пайдо бўлди. Бироқ тили учидан турган  
сўзлардан бирор жумлани эсполмасди.  
У ўша ерда! Кераксиз қайдлар ёзилган  
ён дафтарларнинг бирини!

Ташқарига чиқиб қарасаки, йўл  
четидаги қоп аллақачон олиб кетил-  
ган, чикинди ташувчи машина эса  
кўча охирига этиб қолганди. Телба-  
намо ҳолатда унинг ортидан югурди:  
биргина умид – шу биргина мисра  
– қачонлардир ёзган бир нечта сатр  
сўзларини топса – шугина унга таскин

берарди. Афсуски кўча охирига этиб  
боргач, излаган автоулови аллақачон  
катта йўлда машиналар оқимида  
кўшилиб, ғойиб бўлганлигини сездди.  
Атрофга аланглади: йўқ!

Яна ўша аламли бош эғиш ва  
оғир қадамлар билан ортага қайтди.  
Йўл бўйида дафтар-қалам сотадиган  
мўъжазгина дўкон олдида тўхтади.  
Дўкончининг деразаси раҳида териб  
қўйилган ён дафтарларнинг бирига  
кўзи тушди. Балки уни олгани тузукдир.  
Эҳтимол иждодини бошқатдан бошла-  
гани маъқул. Ҳавога учган мисралар  
– учди-кетди. Ахир ҳали ҳаётининг  
қолган катта қисми олдинда – бемалол  
ижод қилишга етади. Қалбида собиқ  
– бир вақтлар унга маъно бахш этган  
туйғуларини уйғотолса бўлгани.

...Қалин муқовали бежирим ён  
дафтарни маҳкам тутганча, юрагини  
ёриштириб юборётган сахар оғушида  
илдам юраркан, қўл телефони жиринг-  
лаб, у бир вақтлар ўз хоҳиши  
билан чиқиб кетган иждо эшиги  
яна очилганини англашувчи  
жумлалар янгради:

– Сизни таҳририятга ишга  
олишга қарор қилдик. Бугун-  
дан ишга келишингиз мумкин!

“Йўл бўйида дафтар-қалам  
сотадиган мўъжазгина дўкон  
олдида тўхтади. Дўкончининг  
деразаси раҳида териб  
қўйилган ён дафтарларнинг бирига  
кўзи тушди. Балки уни олгани  
тузукдир.”

Озод МУСТАҒОЕВ.

oilavajamiat@mail.ru



Ўқиб турасизми?», деган саволни берганимда ая ўзининг пурмаъно сўзлари билан жавоб қилди: «агар инсон китоб ўқимаса, у шаксиз қашшоқлашиб қолади. Менинг энг сеvimли асарим, умр бўйи қайта-қайта ўқиган, ҳар варақлаганда янги фикр укадиган китобим бу Рашод Нури Гунтегиннинг «Чоликуши» романидир. Асар бош қаҳрамони Фериде матонатли аёл сифатида жуда

кўплаб аёлларга намуна бўла оладиган образ. Мен ҳамisha қишлоқдош хотин-қизларга унинг сабр-қаноати, шаъни ва қадр-қиммати йўлида синовларга бардошли бўла олгани, ўзининг аёллик фазилатларини бир он бўлсада унутмагани хусусида такрор-такрор сўзлаб берман. Турмушда аччиқ-чучук дамлар, инсонни шошириб қўядиган шундай кезлар бўладики, гўё боши берк кўчага кириб қолгандек, чиқиш йўлаги йўқдек туюлади. Ана шундай вақтларда китобга сунанган инсон ҳеч қачон йўлидан адашмайди, мақсад йўлини вақти келиб албатта топиб олади, назаримда.

Шубҳасиз Мастура ая кенг фикрловчи, замонамизнинг илгор раҳбар аёлларидан экан. «Келинларимнинг ҳам илмли бўлишини жуда истайман. Дилфуза келиним айна пайтда Фарғона давлат университетида магистратура босқичида таҳсил олмоқда. Унинг келгусидаги режаси қишлоқ хўжалиги, хусусан анорчилик соҳасида илмий иш қилиш. Бу йўлда мен ҳам бор билим ва тажрибамни унга ўргатмоқданам. Жамиятда фаол, билимли аёллар кўпайса, ёш авлод ҳам ана шундай маърифатли бўлади. Зотан оилада илк тарбиячи аёлдир», – дейди Мастура ая.

Шунингдек, аянинг айтишича, оилада қайнона-қайнота, турмуш ўртоғи аёлни кўллаб-қувватлаши керак. Чунки инсоннинг ҳаловат топадиган маскани бу оила. Агар оила тинч-тотув бўлса, бошқа юмушларга қўл урса бўлади. Нотинч оилавий муҳитда ҳеч қачон ҳамжихатлик бўлмайди. Ҳанузга қадар Мастура аяга турмуш ўртоқлири елкадош бўлиб, ҳар ишда маслаҳат берадилар, йўл кўрсатадилар.

## «ҲАЁТГА ЕНГИЛ-ЕЛПИ ҚАРАГАНЛАРГА БИР ГАП АЙТАМАН...»

**Мастура Сайфидинова – 1956 йилда Фарғона вилояти, Кува туманида таваллуд топган. 1990 йилда Тошкент давлат аграр университети тамомлаган. Меҳнат фаолиятини 1980 йилдан бошлаган. Ҳалқ депутатлари Фарғона вилояти кенгаши депутаты. Аграр, сув хўжалиги ва экология масалалари доимий комиссияси раиси. Мастура Сайфидинова шу билан бирга «Дўстлик» ордени соҳибасидир.**

Умр қош билан қовоқ орасичалик қисқа йўл. Бу йўлда ким вақтини қандай сарф қилади, сўнггида барининг ҳисоб-китоби бор. Бугунги ёшларга айтадиган бир гапим бор: ҳаётни севинг, ардоқланг ва қадрига етинг. Ёшлик даври бир киприк қоққунча ўтиб кетади. Фурсатни ганимат билинг. Олдинда кексалик деган синовчан давр бор. Ана шу кексалик гаштини суриш ёки машаққатини татиб кўриш бу ҳозирги билақда куч, танда шижоат, қонда вужур борида ҳаракат қилиб қолишга боғлиқ. Ёшлиқда қилинган меҳнатнинг самараси, роҳати ёш ўтганда кўрилади. Ҳаётга қанча енгил қарасангиз, вақт ўтганда шунча қийналасиз, чунки вақт ҳеч кимни аяб ўтирмайди. Ёшлар фурсатни бой берманг, илми, уни ўз ўрнида сарфлашни ўрганинг, шунда кам бўлмайсиз.

**Наргиза ЮНУСОВА.**

# «UL NA GUMBAZDUR, ESHIGI, TUYNUGIDIN YO'Q NISHON...»

– quvalik bog'bon aya bilan suhbat

«**Қаршимда ер шарин сурати турар, салмоғи Куванинг анорича бор...**» Ўзбекистон халқ шоири Абдулла Ориповнинг «Она сайёра» номли шеъри бежиз Кува анорлари ташбеҳи билан бошланмаган. Шоир улкан бир Ер шаърининг салмоғи шу қадар оғирки, гўё Кува анорлари вазни унга тенг келишини айтмоқчи бўлади.

Дарҳақиқат, Кува аноридек инжиқ меванинг тилини топа билган миришкор деҳқонлар, зироатчию ер илмини пухта билгичлар маскани. Шу боис, ёз бошланди дегунча то кеч куз мавсуми қадар бу гўшадан сархил мевалару сабзавотларнинг кети узилмайди. Ешу қари, аёлу эркак бараварига томорқасини гуллатади, қолгани фермер хўжаликлари тузиб турли ноз-неъматлар етиштиришга бел боғлайди. Бугун сизларни таништирмоқчи, ҳаётини ўгитларини ҳавола этмоқчи бўлган қаҳрамонимиз ана шундай қуюнчак аёллардан бири Мастура ая Сайфидиновадир.

Мастура ая тумандаги «Фарғона анорчилик жамияти» МЧЖ ҳамда «Кува анори» агрофирмаси раҳбари.

1980 йиллардан буён шу соҳада фаолият кўрсатиб келмоқда. Ўтган 40 йил мобайнида энг қуйи погонадан раҳбар лавозимига қадар йўлни босиб ўтган.

– Соҳам бўйича олийгоҳ дипломини олганимдан сўнг туманимизда қишлоқ хўжалигига доир амалга оширилиши керак бўлган ишлар ниҳоятда кўпчилигини англаб етдим. Ерни боқсанг, ер сени боқади, деганлари рост гап. Шу ишнинг бошини тутиб кам бўлмадим, қайтанга эл-юрт ардоғига, халқимиз эътирофига озми-кўпми сазовор бўлдим, – дея гап бошлади Мастура ая. – «Ҳар бир дарахтнинг ўз инжиқлиги бўлади. Ҳар бирига эгасининг меҳри керак. Экиб қўйилса, ўзи ўсиб-униб кетадиган мева эмас. Унинг ўзига яраша меҳнат-машаққати, агротехникаси, бошқа мевали дарахтларда бўлмаган тиканаклари бор. Биласиз, анор танаси у қадар бақувват эмас. Шунинг учун куз ойлари мевалари йиғиб бўлингандан сўнг дарахт танаси тупроққа кўмиб қўйилади ва келгуси йил ҳосил учун ана шу фурсатдан бошлаб замин ҳозирланади. Эрта баҳордан, феврал-март ойларида дарахт тупроқдан ҳоли қилинади ва унга шакл берилади. Бошқа мевали дарахтларга бир марта шакл берилса, етарли. Анор дарахтига эса икки марта шакл берилади.

## «ОИЛАДА ИЛК ТАРБИЯЧИ АЁЛДИР»

«Дала ишларидан ортиб китоб ҳам



## АЙТИЛГАН ГАП...

Тўй арафаси. Давлат уйга қассобларни чақириб қўйганини мутлақо унутиб, чойхонада улфатлари билан ўтирарди.



Давлат ширакайф ҳолатда уйга қайтгач, отаси асабий кайфиятда ҳовлига чиқиб келди.

– Онанг касал, хотининг ишда! Ҳеч бўлмаса ўз қизингни тўйида мажбуриятингни ҳис қилсанг бўларди! – деб бақира кетди.

Давлат қассобларнинг келиб-кетганини эшитгач, узр сўраш ўрнига: – Неварангизни тўйида озроқ сиз ҳам қайишсангиз нима бўпти? Эплабсизлар-ку, менсиз ҳам бинойидек, – деб пинагини бузмади.

Даргазаб Миродилла ота, «Ҳали шунақами? Унда эшит: Тўйингдаям, ошингдаям мен қатнашмайман! Мени бу уйда йўқ деб хисобла!», – дея уйга кириб кетди.

Тўйга бир кунгина қолганида, қутилмаганда отанинг аҳволи оғирлашди. Яқинлари билан видолашишга ҳам улгуролмади...

Отаҳон ўзи айтганидек, ошда ҳам, тўйда ҳам иштирок эта олмади...

## ШИРИНЛИК КЕРАКМАС!

– Укаларингиз ҳам кап-катта бўлиб қолишган. Ўзларининг гамини ўзлари ейишсин. Қачонгача уларнинг арава-сини сиз тортасиз!? – деди Наргиза

асабийлашиб.

– Бунча нолийсан, ахир ёрдам берсам, ўз жигарларим-ку! Укаларимга ҳозир ота ўрнидаман. Ўқишлари тугагач, ишга жойлашиб, ўзларини эплаб олишади.

– Унгача рўзгоримизнинг қозони оқармас экан-да? Умримиз фақат сизнинг укаларингизни боқиш билан



ўтиб кетавераркан!

– Ношуқур бўлма хотин, ахир сизларни ҳам оч қолдираётганим йўқ. – Тўрт йилдан бери битта пальто кияман. Урфдан қолиб, увадаси чиқиб кетди. Шу пальтони бир умр кийиб ўтаман шекилли.

– Бўлди, етар! Қизинг кутиб қолди, боғчасига олиб боргин, – деди Эркин жанжалга нукта қўйиш ниятида.

Бу тортишувларни уларнинг беш яшар қизи Мафтуна бир чеккада жим кузатиб турарди.

Наргиза қовоғини уйиб боғчага отланди. Қизча гуруҳига кираркан, онасининг қўлидан ушлаб: – Ойижон, мени олиб кетгани келганингизда ҳеч қандай ширинлик олиб келманг, хўпми? Менга кетаётган ҳамма пулларни йиғиб, ўзингизга пальто олинг. Ушанда дадам билан бошқа уришмайсизлар а? – деди...

**Нилуфар САПАЕВА.**





## SHILIMXONADAGI QIZLAR...

Яқинда университетда таҳсил олаётган қиз синфдошим қўл телефонида бир базмдаги расмларни кўрсатиб қолди. Расмлар орасида чилим чекаётган талаба қизларни кўриб хангу манг бўлдим. У бўлса “ҳа, энди йигитлар чекаётган чилимдан бир тортиб кўришди-да!”, деди шундай “замонавий” курсдошлари борлигидан фахрланган оҳангда.

Тадқиқотлар чилимнинг зарари катта эканлигини аниқлади. Чилим дастлаб Ҳиндистонда пайдо бўлиб тез Ҳинди-Хитойдан Марақкогача бўлган хууддаги давлатларда кенг тарқалган. Европада эса XIX асрда оммалашди. Жаҳон Соғлиқни сақлаш ташкилоти баёнотида кўра, уни мунтазам чекиш юрак оғриги, ўпка ва ошқозоноти беши саратонига сабаб бўлади. Шунинг учун ҳам Буюк Британия кардиология фонди мамлакатда чилимхоналар оммалашаётганидан хавотир олмақда. Англиялик шифокорлар ўтказган охириги сўров натижаларига кўра, инглиз ёшларининг 40 фоизига чилим таркибида тамаки борлигини билади.

Бугунги кунда дунёнинг кўплаб давлатларида, жумладан, Франция, Австрия, Италия, Германия каби Европа давлатлари, Украина, Туркия, Қувайтда чилим чекиш қонун билан ман этилган. Бундай тақиқларга асос қилиб чилим чеки оқибатида тарқалган хавфли юқумли касалликлар кўрсатилмоқда.

Чилим бу тамаки моддасининг махсус идишга солинган варианты, – дейди олий тоифали шифокорлар. Сигарет чекканда

тутун нафас йўли орқали ўпкага тўғри борса, чилим тутуни организмга бутун аъзолар орқали аста-секин сингади. Лекин ўрганиб қолиш, шу нарсага мойил бўлиш иккаласида ҳам бир хил. Чилимдаги мазали ҳар хил мевалар таъми ва хушбўй ҳиди аслида кимёвий моддалар натижасидир. Уни доимий равишда истеъмол қилган инсонда бронхитал астма, ўпка сили, сурункали йўтал пайдо бўлади ва сўлак орқали ошқозонга ўтиб овқат ҳазм қилиш тизимини ишдан чиқаради. Баъзи одамлар фақат айнан бир жойдаги чилимни чекишни хоҳлаши кузатишган. Уларга фақат ўша жойдаги чилимгина хуш ёқади.

Аслини олганда ҳамма чилимнинг ҳам таркиби бир хил. Шунчаки, доимий мижозларга эга бўлиш учун замонавий “тадбиркорлар” қинғир йўлдан ҳам қайтишмайди. Чиндан ҳам, сўнги пайтларда кишининг кўзини қувнатадиган даражада бежирим, қиройли идишларга солинган чилим кўпгина кафе ва барларда зиёфат кўрига айланиб бормоқда. Аммо унинг зарарли асоратларини ҳамма ҳам билавермайди. Зиёфат чоғида ҳар кимга алоҳида-алоҳида чилим бюртирилмайди. Битта-иккита чилимни ҳамма биргаликда навбатма-навбат чекади. Шифокорларнинг айтишича, бу ҳам гигиеник жиҳатдан умуман талабларга жавоб бермайди. Чунки сўлак беши орқали кўпгина юқумли касалликлар одамдан-одамга осон ўтади. Энг ёмони, чилим тумшуги тозаланмайдиган ускунадир. Ҳеч ким турбкани дезинфекциядан ўтганига қасфолат беролтирмайди. Бундай жойлар нам ва иссиқ бўлиши инobatга олинса, касаллик юқтирувчи вирусларнинг ривожланиши учун қулай шароитдир. Бир лаҳзалик ҳузур деб соғлигимизга катта зиён етказишни ўйлаб кўрсак, кифоя!

Ферузбек САЙФУЛЛАЕВ.

## KELIN VA QIZ

Не-не эшикларнинг остонасини супура-супура, ахйри уйига келин туширди. Онаизор энди хурсанд: бемалол елпигини айлантириб, келинининг ишларини кузатади. Уғлига ҳам онасининг танлови маъқул тушиди – аёлини суйди. Аммо...

Келини хамир қорса, юмшоқ бўлиб қолади; тандирга ўт қаласа, нони пишмайди. Нима қилсам, туманининг марказидан келин бўлган, қишлоқ ишларига ўқуви йўқроқ. Бу хонадон аччиқ чой ичади, келин дамлаган чойда шама кўринмайди. Нима қилсин, келин тушмагур ота уйининг тутимига ўрганган, янги муҳит унга бегона...

Йўқ, қайнонага бу ёқмади. Ўз рўзгорининг икир-чикирларини ўргатиш хаёлига келмай, келинни чимчилаб олди: “Боринг, онангиздан ўрганиб келинг чой дамлашни”, “Чучварангиз бунча йирик, боринг, онангиздан ўрганинг!” Шўрлик келин бир йил уйига қатнай-қатнай, ниҳоят туппа-тузук уй

бекасига айланди. Энди қайнона эҳсиз келинидан қўшниларга нолимайдиган бўлди.

Йил ўтиб ўзи ҳам коллежни эндигина тамомлаган яккаю ёлғиз қизини узатди. Оҳ, қизинаси келинойиси борлиги учун овқат қилишни ҳам тузукроқ эплолмасди. Онанинг дили халак: тушган жойида тошдек қотсинди. Тўй кунни қудасига шипшиди: “Айланай, энди ўз тутимингизга мослаб оларсиз. Ёмонини яшириб, яхшисини ошириб, рўзгор ишларида йўл кўрсатиб турарсизда...”

Тўйдан бир хафта ўтиб, қизи бечора ота уйига йиғлаб келди. Келин ва қайнона югуриб унга пешвоз чиқишди. Қиз ҳиқиллай-ҳиқиллай гап бошлади:


– Биринчи қилган ошим шавла бўлиб қолди... Ойим уйингиздан ўрганиб келинг, деб жўнатди.

Она лабини тишлади. Келин нари кетди...

Нодирабегим ИБРОҲИМОВА.

## СОАТ МИЛЛАРИ НЕГА ЧАПДАН ЎНГГА ЮРАДИ?

Ушбу анъана қадимги Миср даврида пайдо бўлган. Тахминан беш минг йил аввал у ерда қуёш соатларини ўйлаб топишган. Самода қуёш шарқдан ғарбга ҳаракатлангани боис циферблат марказидаги мослама сояси доира бўйлаб худди шундай – чапдан ўннга ҳаракатланган. Ўрта асрларда механик соатлар (аввал минора соатлари) кашф қилинганидан сўнг усталар «қуёш тарзи»ни сақлаб қолишга қарор қилишди. Шундан буён барча соатларни ишлаб чиқаришда ушбу анъанана содиқ қолинган.



## БЎЙИМИЗ ҚИСҚАРИШИ РОСТМИ?



Рост. Бунинг устига сезиларли даражада. Инсон ўзининг асл буй баландлигига эрталаб, яхши ҳордиқ олганидан сўнг эришади. Кун якунида ҳар бир одамнинг бўйи 2-3 сантиметрга қисқаради. Агар кун давомида кўп пиёда юриш ёки оғир юк кўтаришга тўғри келса, у холда буй узунлиги қарийб 5-6 сантиметр паст кўрсаткичга эга бўлади. Бунинг ажаблаларли

томони йўқ: шунчаки организм зўриқиши натижасида умуртқа суяклари орасидаги кемирчак (тоғай) соҳаси қаватлари қисилади. Дам олиш чоғида эса умуртқа суякларини суришиб, яна дастлабки ҳолатига қайтади.

## БУЛУТЛАРДА СУВ БОРМИ?

Барчамизга маълумки, булут сув буғларидан ташкил топади. Олимлар ҳаттоки турли булутларда қанча намлик мавжудлигини ҳисоблаб чиқишга муваффақ бўлишган. Шунга кўра, тўп-тўп бўлиб осмонда энгил сузиб юрүвчи кичик оппоқ булутларнинг ҳар бири таркибида камида 500 литр сув мавжуд экан. Катта булут эса икки ёки ҳатто уч тонна сувдан ташкил толган. Қора булут 10 тоннадан зиёд сувдан иборат. Улар орасида океанлар устида юзага келадиган момақалдироқли булут рекордчи ҳисобланиб, унда 50 тоннагача сув бўлиши мумкин экан.



## ЧИГИРТКА НЕГА ЧИРИЛЛАЙДИ?



Мазкур ҳашаротнинг ўткир чириллаган овозини ҳамма эшитган бўлса керак. Аниқланишича, чигиртка бу товушларни оғзида эмас, оёқчалари ёрдамида ҳосил қилар экан. Унинг панжалари қаттиқ тукчалар билан қопланган бўлиб, чигиртка олд оёқларини бир-бирига ишқалаганда тукчалар тебраниб, кучли товуш чиқаради. Энг қизиғи, чигиртка сокин ва хотиржам бўлганда чириллар, хавф тугилиши билан ўз «куйини» дарҳол бас қилар экан.

## АРИЛАРГА ҚОҒОЗ НИМА УЧУН ЗАРУР?

Аниқланишича, ушбу ҳашаротлар уяларини ўзи ишлаб чиқарган қоғоздан бунёд этар экан. Бунинг учун эса қари дарахт ёки тўнкаларнинг ёғоч толаларини чайнаб, уларни сўлаги билан жипслаштиришига тўғри келади. Ари ўз уясини, асосан, уй деворига, дарахт танасига қуради, баъзида улар анча катта ҳажмга эга бўлади. Бироқ бу кўринишдаги уяларни фақат жамоа бўлиб яшайдиган арилар яратади. Ёлғиз арилар уясини ўз хоҳишига қараб, турлича йўл билан барпо қилади. Ер арилари тупроқ остида чуқур йўлаклар қовласа,



дурадгор-арилар ушбу йўлакларни ёғоч ичида ҳосил қилади, куллол-арилар эса пойдан ясалган қувачага ўхшаш кичик бўлмағлар қуришади. Гулчехра АЗИМОВА тайёрлади.




# QUYOSH SO'NGAN KUN

**А**йни лаҳзаларда унинг мияси шу қадар тез ишладики, бир зумда хотиранда қарз олиши мумкин бўлган ўнлаб одамларнинг рўйхатини тиклади. Аммо уларнинг ё биттаси, ё иккитаси қарз бериши мумкин. Бу ҳам ҳали шунчаки бир тахмин. Ишонч деганлари анқонинг уруғи бўлиб қолган бу замонда бировдан гина қилиб ўтиришининг ҳам мавриди эмас. Мана, ўз опаси бир уйда, бир оила бўлиб яшашади. Билади, уй оламан, деб жамғариб қўйган пуллари бор. Аммо бермади. Бермади-я...

Юрагининг бир четида опасидан хафа бўлаётган эса-да, бироқ уни оқлашга ҳам асос топди. Бечора, йиллаб йиғиб-терган. Эри ҳайдаб юборгач, бирга униқиди яшай бошлади. Ўз укаси бўлса-да, барибир сиқилгандай бўлаверади. Тезроқ уй олиб, эркин яшашни хоҳлайди. Ҳа, вақтида беролмай қолса, яна уй олиш мuddати чўзилиб кетиши мумкин. Ахир укаси оддийгина бир ишчи бўлса. Албатта, бунча пулни бир йилда ҳам қайтаролмайди...

Аммо унга пул керак. Барибир қаердан бўлмасин, топмаса бўлмайди. Ахир кизи бир умрга ногирон бўлиб қолиши мумкин. У шахт билан ўрнидан турдию кўчага отилди. Кечга қадар ўн-ўн беш эшикни тақиллатди. Унга ачиниб қараган кўзларга умидвор тикилди, меҳр-шафқат билан лиммолим сўзлардан паноҳ ахтарди. Бироқ билдики, барчаси бекор, шунчаки йўриғига, сохта. Саховат, олийжаноблик аллақачон эртатка айланиб бўлган. Айни замонда уни фақат мўъжиза сифатида учратиш мумкин. Ярим кечада силласи куриб, оёгини базўр судраб уйига қайтди. Бўшашибгина пойгақдаги эски стулчага ўтираркан, чуқур уф тортиди. Имконият бўлиши мумкин бўлган ҳамма эшикларни тақиллатиб кўрди. Яна қайси эшик қолди? Утган ўн саккиз соат ичида у ҳамма нарсасидан – гурур, орномус, андишадан батамом ажралди. Ҳа, у баридан воз кечиб, кимларнингдир сариқ чакага арзимаган савлати олдидан чўккалаб таъзим қилди. Истеҳзоли нигоҳларни ҳам қўлини кўксига қўйиб қаршилади. Уни қўришни-да истамаганларга хира пашшадек ёпишди. Бундан аянчлироғи бўлмаса керак. Хўрлиги келиб, ўпкаси тўлиб кетди, ўзини ерга тўшалган кўрпачага отди. Унинг елкалари каттиқ-каттиқ силкинар, ҳар силкиганида, ҳиқиллаган овоз чиқарди. Мана, у қирқ саккиз ёшда. Лекин бирор марта овозини чиқариб йиғламаган. Хўш, бунга ким сабаб? Йўқ, у ҳеч қачон қизини айблай олмайди. Ахир у эндигина беш ёшга тўлди. Фариштадек покиза, ҳимояга жуда муҳтож. Қизининг оппоқина юзлари, кўзmunчоқдек кўзларини тасаввурида жонлантирар экан, кўнгли баттар тўлиб кетди. У ҳар кун ани шу кўзларга термулиб, бахтдан бахраманд бўлиб яшайди. Унинг майин, момиққина юзларига ўзининг сертуқ юзини ишқаб қитғини келтиради. Унинг қўлчалари бирам мулойимки, силаганида бутун танаси ҳузур қилади. Энди эса у тўшакка михланиб қолган. Рангларини сўлгин, кўзлари маъюс... Йўқ, ҳали



Унинг томоғини нимадир куйдиргандек бўлди. "Дадажон, қуёш яна икки марта деразан ёнидан ўтгач, мени уйга олиб кетасиз-а?" Қизининг бу истагини бажара олмагани учун ўзини ношуд, нотавонликда айблади. "Ваъдасининг устидан чиқолмаган бадбахт дадангни кечир. Сенга умид бахш этадиган қуёшинг йўқ энди, қизим. Энди у бир умрга сўнди, ҳеч қачон чиқмайдиган бўлиб сўнди. Меники ҳам".

Эрталаб соат саккизга бонг урғанида, у шифокорнинг хонасида ўтирарди. Қўлидаги пул ўралган қоғозни тутқазар экан, қизининг бугуноқ операция қилишларини сўради.

– Албатта, бугуноқ. Бу ёғидан кўнглингиз тўқ бўлсин, – дея тинчлантирди уни шифокор. – Фақат соат иккиларда. Унгача зарур жиҳозларни тайёрлаш лозим. Аммо айтиб қўяй, жуда жиддий бўлгани учун ҳам операция узоққа чўзилиб кетиши мумкин, тахминан икки-уч соат. Бироқ бунчалар ташвишланишингизга ҳожат йўқ, муваффақиятли ўтишига ишончим комил. Биз деярли ҳар ҳафта бундай

операцияларни ўтказамиз.

Шифокорнинг сўзлари унинг безовта юрагини бироз тинчлантиргандек бўлди. Аммо туни билан ухламаганиданми ёки асабларининг таранглигиданми ўзини жуда мадорсиз ҳис қилар, ҳарчанд ўзини тетик тутишга уринмасин, кўзлари тиниб, гандираклар кетаверарди. У бир амаллаб қизининг олдига кирди. Қизалоғи ҳамон дераза қаршисидаги каравотда кўзларини бесабрлик билан эшикка тикиб ётарди.

– Дадажон, – қувончдан чинқириб юборди у. Қовоқлари салқиб, ранглари бир аҳволда ўтирган хотини ҳам бирдан хушёр тортиди. Афтидан у туни билан йиғлаб чиққанга ўхшарди. Тура солиб эрининг кўзларига қаради. "Топдингизми" деган савол бетоқатлик билан жавоб кутарди бу нигоҳларда. Биргина бошини қимирлатиб берган жавоби аёлнинг бутун танасини эзиб турган зил-замбил юкни бир зумда иргитиб ташлагандек бўлди. Бирдан юзлари ёришиб кетди.

– Хайрият, – деди у шодлигини шивирга кўчириб. – Хайрият. Кейин миннатдорчилик билан эрини кўлларини оҳиста сиқиб қўйди.

– Дадажон, – қизалоқ жажжигина кўлчаларини чўзиб нажоткорона интиларди. – Дадажон, мени бугун олиб кетасизми? – қизи унинг юзини икки қўли орасига ушлаганча кўзларига термулди.

– Албатта олиб кетаман, лекин бугун эмас. Яна икки-уч кунгина сабр қил, хўпми.

– Дадажон, икки-уч кун қачон ўтади, – дадасига суйқалиб, илинж билан сўради қизалоқ.

– Қуёш яна уч марта деразанг ёнидан ўтиб кетганида.

У қизининг пешонасидан ўпаркан, бирдан боши айланиб, кўзи тингандай бўлди. Кейин қулоқлари ҳам шанғиллай бошлади.

– Сизлар яхшилиб овқатланиб олинглар, унгача мен бирров уйга бориб келаман, – шундай дея у хотини ва қизини тинчлантиргача аранг эшикдан чиқди. Бетоқат ураётган юраги анча тинчланиб ётоқхонасига кирди, уст-бошини ечмай туриб каравотга чўзилди. Алмоий-жалмоий, узук-юлуқ тушлар кўрди. Бирда қизини шифокорлар операцияга олиб кираётган эмиш, бирда у ҳовлида оққулоқ билан қувалашиб юрганмиш. Бирдан у яна касалхонада пайдо бўлиб қолибди, шифокор тагин пул талаб қилармиш. Унинг бунча пули йўқ, опасида эса етарли. Қоронғуда шарпасиз тимирскиланиб, ўша бахмал ёстиқни топди. Четидаги ўйиқдан қўлини тикиб, эндигина пулларни оламан деганида, кимдир унинг қўлларини ушлаб қолди. Ўгирилиб қараса, қаршисида бадбашара бир махлук даҳшатли бир тарзда унга тикилиб турибди. Жон ҳолатда қўлини тортиб олмоқчи бўлди, аммо чиранишлари бекор кетди. Махлукнинг қўллари унинг қўллари билан бирикиб кетган, ҳар тортганида бутун танаси зирқарди. У қаердандир пичоқ топиб олиб, қўлини кесиб ташламоқчи бўлди. Бироқ оғриққа чидай олмади. Кейин махлукнинг қўлига ёпишди. Пичоқни ҳар тортганида, шариллаб қон қуйилар, махлук бўлса қаҳ-қаҳ отиб куларди. Қўлини кесиб олганида махлук бирдан опасига айланиб. Уввос солиб йиғлади. "Илоё кўлларинг синсин, менга бюормгани сенга ҳам бюормасин". У опасининг кесилган қўлларини ўз қўлида ушлаб турарди. Даҳшатдан эҳсонаси чиқиб кетаёзди. Тушида таъйик этаётган кўрқув уни уйғотиб юборди.

Касалхонага ярим соатда етиб келди. Ҳамширалар қизини операцияга хозирлашарди. "Ярим соатларда бошлаймиз" деди шифокор. Айтилганидан бироз мuddат олдинроқ бошланаётган бўлса-да, негадир ҳамма имилаётгандек туоларди унинг назарида.

Ҳамширалар қизини операция хонасига олиб кириб кетишганда, юраги негадир шув этиб кетди. Бирдан уларнинг ортидан югурди. Лекин пешонаси "так" этиб ёпилган эшикнинг ойналарига урилди.

Кекса шифокор унга кўз қирини ташлаб, бошини силкиб қўйдию ичкарига кириб кетди. Орадан ҳеч қанча вақт ўтмай, у қайтиб чиқди.

– Бола жуда қўп қон йўқотган. Бундай ҳолатда катталар ҳам тирик қолмайди.

– Нима, у... – унинг бутун бадани муз бўлиб қотди. Хотини чинқириб юбордию хушидан кетди.

У қизалоғининг жонсиз танасини кўрмагунича, ҳеч кимга ишонмади. Бироқ кўзmunчоқдек кўзлари очик бўлса-да, қизи уни кўрмади.

– Сизни кутишяпти, – ҳамширанинг сўзлари уни хушига келтирди. Бурчакда тахлаб қўйилган нарсаларни олиб чиқаркан, эшик олдида тўхтаб қолди. Бурилиб деразага қаради, ташқарида қуёш ботиб борарди. Унинг томоғини нимадир куйдиргандек бўлди. "Дадажон, қуёш яна икки марта деразанг ёнидан ўтгач, мени уйга олиб кетасиз-а?" Қизининг бу истагини бажара олмагани учун ўзини ношуд, нотавонликда айблади. "Ваъдасининг устидан чиқолмаган бадбахт дадангни кечир. Сенга умид бахш этадиган қуёшинг йўқ энди, қизим. Энди у бир умрга сўнди, ҳеч қачон чиқмайдиган бўлиб сўнди. Меники ҳам". Унинг деразага қадалган кўзлари хиралашиб борар ва қулоғи остида даҳшатли сўзлар янгарди: "Илоё олганинг кафанликка бюорсин".

**Ирода ОРИПОВА,**  
Бухоро вилояти.



# MA'NAVIYATNI ZAHARLAYDIGAN MULTIFILMLAR

tanaga ziyon yetkazadigan fast-fudga o'xshaydi

Хар бир бола-нинг оламини, энг рангли бўёқлар билан бўййдиган, унинг онгида, те-варак-атрофга, уни қуршаб тур-ган ҳаётга нисба-тан муносабати-ни шакллантира-диган нимадир бор. Унинг номи мультфильм. Кўпчилик одам-лар, мультфильм эртақлар замири-га қурилганигами, уни тайёрлашни сод-да жараён деб ҳисоблайди.

Аслида мультфильм ҳам алоҳида мураккаб жанр бўлиб, ҳаттоки кино суратга олишдан ҳам бир неча баробар мушкул, машаққатли меҳнат талаб қилувчи санъат тури ҳисобланар экан. Бир қарашда оддий туюлган эртақ қахрамонларнинг жонли ҳаракатларини қуриш учун, аввалига миллионлаб суратлар чизилади. Биргина «Бемби» мультфильми учун тўрт миллиондан ошди сурат-лар чизилган. Оддий қилиб айт-ганда мультфильм – игна билан қудуқ қазишдақ сабр талаб этув-чи жанр. Бугун юртимизда, ушбу мураккаб санъат тури бўлган мультфильмларга эҳтиёж ҳар доимидан ҳам юқори. Сабаби, болалар вирус сабабли кўп вақтини ойнажаҳон қаршисида ўтказишга тўғри келяпти. Мультфильмдан ҳам кўпи бормикан бугун, дейишингиз мумкин. Лекин уларнинг катта қисми, европа давлатларидан шид-дат билан кириб келаётган, ҳалқимиз дунёқараши, турмуш тарзи ва ғояларига зид бўлган мультфильмлардир. Биз эса миллий қахрамонларга, миллий анимацияларга эҳтиёж сезамиз. Ҳозирга келиб, Ўзбекистонда бир қанча мультфильмлар ишланди. Аммо ўзимизни мультфильмлар севиб томоша қиладиган, ёки ақалли бирор ўзбек мульт қахрамонини эслаб қолган болани топиш қийин. Бугун улар «Малика Синди-релла», «Шрек», «Малика Со-фия», «Қизалоқ ва маймоқ» ва ҳокимоз мульт қахрамонларини ўз қахрамонларига айлантirdи. Замон илдамлаган сари инсон-лар онги ҳам шиддатли тус оляпти. Шунингдек, болалар ҳам, бугун аввалги болалар эмас. Энди улар ҳам сифатли ва сифатсиз тушушчасини яхши англайди. Бугун болаларнинг нигоҳи евро-па мультфильмларидаги шид-

датлилик, тезкорлик ёрқинликка ўрганди. Ёт ғояларни тарғиб этувчи чет эл мультфильмларида беҳаё сахналар, эрка ва тантик, безори қахрамонлар, ижобий қахрамон сифатида талқин қилинапти. Ёш гўдақларнинг эса ошқ-маъшуқ бўлиши каби воқеалар, ижобий жараён сифатида кўрсатилган. Аммо улар суратта олиш жиҳатдан, диққатни тез ўзига тортадиган тарзда му-камал ишлангани боис, уларни аудиторияси кенг. Қисқа қилиб айтганда «Усти ялтироқ ичи қалтироқ», қабилида. Бу каби мультфильмлар кўпчилик севиб ейдиган фаст-фудга ўхшайди. Фаст-фуд ҳам жуда мазали аммо соғлиққа зиёнли бор. Фақат фарқи, фаст-фуд танани хаста-ликка олиб келса, бу мультфильм маънавиятимизни хасталайди. Албатта мазали овқатдан кейин, болани ёнига бемаза овқатни

қўйсангиз уни хушламагани-дек, энди чет эл мультфильмлари-га ўрганган болалар ўзимизни мультфильмларга меҳр қўйиши қийин кечяпти.

Сабаби, уларни нигоҳини чет эл мультфильмларидан узиб, ўзига тортиб оладиган, тайинли бирор ўзбек мульт қахрамонининг ўзи йўқ. Ваҳоланки, бола руҳияти янгиликка ташна. У кўрма деган ишни бажариб қўришга интилади. Шу сабаб ҳам, энди уларга шунчаки бу мультфильм зарар эканлигини тушунтириш бефой-да. Фақатгина фарб мультфильми билан сифат жиҳатдан тенглаша оладиган, шу билан бирга, чет эл мультфильмларидан фарқи ра-вишда, миллий қахрамонларни, ҳалқимизнинг чинакам руҳини ўзида мужассам эта олади-ган мультфильмларни кашф қилиш билангина уларни диққатини узиб олиш мумкин. Минг йиллик

тарихга эга бўлган, ўзбек халқ оғзаки ижодида, минглаб эртақ ва масалларга тўла ўтмишимизда, бугунги замон учун қахрамонга айланадиган, ёрқин образ-ларнинг саноғи йўқ. Аммо уларни бугунги замонга уйғунлаштириб, ўзбекиона қахрамон тарзида, тақдим этувчи мульт режиссёр-лари, сценарий муал-лифлари қаерда?

Бир-бирдан қизгин мавзулар ҳақида ҳикоя қилувчи халқ достонлари-мизнинг мингдан ошди вариантлари бор. «Равшанбек», «Қунтуғмиш», «Гўрўғли» каби достонларни бугунги замонга мослаштириб сце-нарий тайёрланса, уйлайманки, ҳеч бир жаҳон мультфильмларидан қошимайдиган асар вужудга келади. Худойберди Тўхтабоев романларида ҳам болаларнинг се-вимли қахрамонлари кўп. Жумладан, Ҳошимжонни танимаган бола бўлмаса керак. Балки Ҳошимжоннинг давомли саргузаштларини ўзида акс эт-тирган мультфильмлар ҳам бугун керак? Шахсан ўзим 24 ёшни қаршилаб, аллақачон болалик онларини тарк этган бўлсам ҳам, «Кун фу паңда» мультсериалига кўзим тушиб қолса экранга беихтиёр муҳрланиб қолам. Бир мен эмас, кўп катта ёшли одамлар шун-дай. Нимага? Сабаби «Кун фу паңда»

образ иорқали, хитойликларнинг кўп асрлик маданияти асарда ўз аксини топган. Беғубор Паңда-нинг, жанг санъати бўлмиш кун фу сирларини ўргатган устозига нисбатан чуқур ҳурмати, халқи ҳимоясига отланган йўлдаги машаққатларни жасорат билан босиб ўтиши, аждодлар руҳи, дўстга садоқат туйғуларини улуғлаши каби ҳолатлар шун-дай силлиқ тарзда сингдириб юборилганки, одам ўзи сез-маган ҳолда унга боғлиниб қолганини билмай қолади. Бизга ҳам миллатимизни улуғловчи асарлар зарур. Токи болала-римизнинг мурғак қалбида, ватанпарварлик, орият, халққа садоқат, туйғулар илдиз отсин! Тоғай Муродни бир асаридан шундай сўзлар бор эди: «Халқ нимаси билан халқ? Ўз урф-одатлари билан халқ. Кўп урф-одатларимизни кириб олди... Бировлар ўзиники қилиб олди. Биз қўлимизни бурнимизга тикиб қолдик. Шундай кетаверсак, ҳадемай... Ўзимизни-да бой бериб қўямиз...». Агар бугун болалар онгига ҳам, халқимиз руҳини сингдира олмасак, шу зайдда, экранларимизда фарб муҳитини тарғиб қилувчи мультфильм ва кинолардан на-рига ўта олмасак, эртага ўзбек халқининг халқлиги қоладими? Ўйлаб кўринг, ўзимизни бой бериш йўлига аллақачон кириб бўлмадикми?!

Мафтуна КАРИМОВА.

## TEKIN MASLANAT (PAMFLET)

Қара, Ғишмат ака, болаликдан кўзингни чирт омиб "ну, погади" дебон бир юмалаб йигит ёшинда очдинг. Ўйласам, кап-катта бўлиб қолибсан. Балли, буёғи тўйга тадорик. Шош-ма, кўз остингга олганинг борми ўзи? Йўқ?! Намунча бўшашган боласан-а, шум-шаймай қолгур. Мундоқ бирортасига гап отмаган, гаплашмаган чикарсан бундан чиқди. Э ўл, сўтак. Ҳаёти мактаб кўрмаган укамиз-да кўчада бир не-чтасини қўлтиқлаб юрганда бурнинг оққани нимаси? Ўша бола тушмагур кўрган бўлса "Болажон"да эфирга узатилган мультфиль-мларни кўрган чикар. Агар бошқа каналлардаги сери-алларни камингага ўхшаб онаминг пинжига кириб томоша қилишга ҳафсала қилганда борми, етти ёшга етмасдан уйланаман, деб отасининг қулоғини қўлига тутқазиб кўярди. Яхшиям "18+", "16+" "12+", "7+" деган ишоралар бор. Лекин уларнинг қўшувлари рақамлар чекловида тўхтаса қани! Муштуминг-ча келмайдиганлар оҳ-воҳ этиб ётади "0+"да ҳатто. Сўхбатини айтмайсан-ми, сўхбатини. Сен тугул менинг хушимга келмаган гаплар. Бай-бай-бай!...

Ҳа, ўзи нима деяёт-гандим? Хуллас, гапнинг индаллоси бундоқ ака: тўй десда табассумингнинг бир чети қулоғингга етмасдан олдин ҳеч қурса бирор йил "Болажон" телекана-лида бериб бориладиган мультфильмларни бери-либ кузатгин. Зора ақлинг тўлишса. Унча мен ҳам бошлангич синфни тугал-лайман. Инсоф қилсанг яна бироз кутгин, шунда тўйни бир қилармидик, а-лаббай!

Шохрух АҲМЕДОВ.

"Оила ва жамият" газетаси тахририяти жамоаси Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш вазири Раҳмат МАМАТОВга қайнотаси Бобомурод АНВАРОВнинг вафоти муносабати билан ҳамдардлик билдиради.

<p><b>Oila va jamiyat</b> Ижтимоий-сиёсий, маънавий-маърифий газета</p> <p>Обуна индекси – 176</p>	<p><b>МУАССИСЛАР:</b> Ўзбекистон Республикаси Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш вазирлиги, "Болалар ва оилаларни қўллаб-қувватлаш" ассоциацияси (Болалар жамғармаси) ва "Соғлом авлод учун" халқаро хайрия фонди</p>	<p><b>МАНЗИЛИМИЗ:</b> Тошкент – 100000. Амир Темури кўчаси 1-тор кўча, 2-уй.</p>	<p>Газета 2007 йил 11 январда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0169 рақами билан рўйхатга олинган. Буюртма Ғ – 936. Формати А-3, ҳажми 3 табоқ. Адади – 1150. Ваҳоси келишилган нарҳда.</p>
	<p>Бош муҳаррир: Акбар ҚАРШИЕВ</p>	<p>Қабулхона: (факс) 233-28-20, Котибият: 233-04-35, 234-76-08</p>	<p>Босишга топшириш вақти – 15:00 Топширилди – 15:00</p>
<p>E-mail: oilavajamiyat@mail.ru</p>	<p>Web-site: oila-va-jamiyat.uz</p>	<p>ISSN 2010-7609</p>	<p>Газета тахририят компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.</p>